

УЛКАН САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ДРАЙВЕРЛАРИГА АЙЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев янги йирик sanoat қувватларини ишга тушириш, шунингдек, мавжуд корхоналар фаолияти билан танишиб, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида 27 август куни Навоий вилоятида бўлди.



Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрами арафасида Навоий вилояти Кармана туманида мамлакатимиздаги илк қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Бугунги кунгача газ, нефть каби углеводородлар энергиясидан фойдаланиш кенг

тарқалган. Лекин уларнинг захиралари чекланган. Шу боис мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбалари ривожлантирилмоқда.

Маълумки, юртимизда бир йилда ўртача 320 қуёшли кун кузатилади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда қуёш станцияларини қуриш орқали жами 600 миллиард киловатт-соат электр энер-

гияси ишлаб чиқариш имконияти бор. Бу — мамлакатимизнинг энергияга бўлган жами эҳтиёжидан 8 баробар кўп энергия ишлаб чиқариш мумкин, дегани.

Шу боис хорижий инвесторлар жалб этилиб, қўллаб қуёш электр станциялари қурилмоқда. Кармана туманидаги станция улардан биринчиси.

Мазкур мажмуа қурилиши ўтган йили бош-

ланган эди. 110 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 300 мингта қуёш панеллари ўрнатилди. Унинг қуввати 100 мегаватт.

— Ушбу станция янги Ўзбекистон энергетика тизимида биринчи улкан қадам, таъбир жоиз бўлса, “биринчи қалдирғоч” бўлиб, соҳа ривожига мутлақо янги даврни бошлаб бермоқда. Бу

ерда йилига 252 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бунинг ҳисобидан 80 миллион куб метр табиий газ тежалиб, атмосферага 160 минг тонна буғланувчи газлар чиқишининг олди олинади, — деди Шавкат Мирзиёев. “Nur Navoiy solar” номли ушбу лойиҳа

Бирлашган Араб Амирликларининг “Масдар” компанияси томонидан амалга оширилди. Президентимиз мазкур давлат билан ўзаро ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 август куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентига Жамбил вилоятининг Бойбек туманида рўй берган фожияли воқеа оқибатида инсонлар қурбон бўлгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди. Ўзбекистон Қозоғистонга фавқуллодда ҳодиса оқибатларини бартараф этишда зарур кўмак кўрсатишга тайёр экани таъкидланди.

Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Кўп қиррали ҳамкорлик ижобий суръат билан ривожланиб бо-

раётгани мамнуният билан қайд этилди. Савдо, sanoat, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва логистика, туризм соҳаларида кооперация лойиҳаларини, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Президентлар, шунингдек, Афғонистондаги вазиятнинг кескинлашиши юзасидан фикр алмашдилар. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш масалаларида яқиндан ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

ЎЗА.

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев энг азиз умуммиллий байрамимиз — Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганининг ўттиз йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманитарий сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 215 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 3 нафари асосий жазодан озод этилди, 127 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 12 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 73 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартрилди.

Афв этилганларнинг 14 нафарини аёллар, 12 нафарини 60 ёшдан ошган эркак, 69 нафарини чет давлат фуқаролари, 15 нафарини таъқиқланган ташкилотлар иштирокчилари ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни oilаси ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ



ВАЛЕНТИНА ИВАНОВНА МАТВИЕНКОНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, парламентлараро алоқаларни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон — Россия ўртасидаги, шу жумладан, минтақалараро ўзаро ҳамкорлик ва икки томонлама маданий-гуманитар алмашинув салоҳиятини янада тўлиқроқ рўёбга чиқаришга қаратилган кўп қиррали қўшма дастурлар ва лойиҳаларни самарали амалга оширишга кўмаклашишдаги фаол саъй-ҳаракатлари ва шахсий ҳиссаси учун Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Ивановна Матвиенко «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 27 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

2021 йил 27 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда Сенат аъзолари, ҳукумат масъуллари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ялпи мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис иши Олий Мажлис Сенатининг расмий веб-сайти ва ижтимоий

тармоқлардаги саҳифалари орқали тўғридан-тўғри намойиш этилди.

Дастлаб сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директори-нинг соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини эшитдилар.

(Давоми 2, 3-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ



РАШИД ОВЕЗГЕЛЬДИЕВИЧ МЕРЕДОВНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини, стратегик шерикчилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўшган улкан шахсий ҳиссаси, савдо, sanoat, аграр сектори, энергетика, сув ҳўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларида қўшма дастурларни ва кооперация лойиҳаларини илгари суришдаги, шунингдек, маданий-гуманитар алмашинув соҳасидаги фаоллиги учун Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Овезгельдиевич Мередов «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 27 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш, ўзаро шерикликини чуқурлаштириш, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни жадал ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳиссаси, юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни ва туб ўзгаришларни муносиб қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон ташаббусларини халқаро микёсда фаол илгари суришга қаратилган сермаҳсул ишлари, шунингдек, халқларимиз орасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳини янада мустаҳкамлаш, манфаатли ва кўп қиррали муносабатларни янги bosқичга кўтариш борасидаги самарали фаолияти учун қуйидагилар «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин:

Суҳайл бин Муҳаммад Фаражал-Мазруий — Бирлашган Араб Амирликларининг энергетика ва инфратузилма вазири Цзинь Лицонь — Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти

Ким Чангвон — Корея — Ўзбекистон бизнес ассоциацияси раисининг биринчи ўринбосари, Корея Республикаси Квинт Владимир Львович — М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Мураккаб тизимларни математик тадқиқ қилиш институти Стратегик тадқиқотлар маркази директори, Россия Федерацияси Юсупов Илҳом Темирович — Сўғд вилояти «Ўзбеклар маънавият ва маърифат маркази» жамоатчилиги ташкилотни раиси, Тожикистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 27 август



Мустақилликнинг 30 йиллиги:

МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

Нурдинжон ИСМОИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери.

Янги Ўзбекистон тарихидаги буюк сана — Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» деган эзгу гоя асосида кенг нишонланмоқда. Ушбу тарихий сана замирида чуқур маъно бор.

Мустақиллик мамлакатимизда демократик миллий парламентнинг шаклланиши ва ривожланиши учун том маънода

сиёсий-ҳуқуқий асос яратди. Истиқлол-имизнинг илк йилларида — тарихан мураккаб, оғир ижтимоий-сиёсий ва таҳлика-ли даврда Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатидаги суверенитети кафолатлари, замонавий давлатчилик тизимининг ҳуқуқий асосларини яратиш вазифаси, табиийки, парламентнинг гарданига ташиган.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Шундан кейин сенаторлар “Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, мазкур қонун қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари фаолиятини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадларига хизмат қилади.

Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи ишлаб чиқариш кооперативининг шаклларида бири бўлиб, тижорат ташкилоти ҳисобланади.

Қонун билан қишлоқ ҳўжалиги кооперациялари фаолиятининг асосий тамойиллари мустаҳкамланмоқда. Қолаверса, қишлоқ ҳўжалиги кооперативини ташкил этиш механизмлари, хусусан, кооперативини ташкил этиш ва уни давлат рўйхатида ўтказиш, ер устаксаларини қишлоқ ҳўжалиги кооперативларига бериш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда қишлоқ ҳўжалиги кооперативининг уставиغا доир талаблар белгиланмоқда.

Шу билан бирга, кооперациянинг бошқарув органларини ташкил этиш тартиби, ижро этувчи органлари, кузатув кенгаши ва уларнинг ваколатлари, йиғилишларни чақириб ва қарорларни қабул қилиш тартибига оид нормалар назарда тутилмоқда.

Қонунда қишлоқ ҳўжалиги кооперативи мулкни шакллантириш манбалари, пай бадаллари ва пай фонди, фойда ва зарарни тақсимлаш, кооперация ва аъзолар мулк қий ҳавобгарлигининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда.

Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалиги кооперативига аъзоликка доир масалалар ҳам очиб берилган. Хусусан, ўн олти ёшга тулган жисмоний шахслар, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги кооперативи устави талабларига мос бўлган юридик шахслар қишлоқ ҳўжалиги кооперативининг аъзоси бўлиши мумкинлиги келтирилмоқда.

Шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги кооперативининг фаолияти устидан назорат қилиш механизмлари белгиланмоқда. Жумладан, қишлоқ ҳўжалиги кооперативининг уставида кооператив тафтиш комиссиясини тузиш, яъни тафтишчини сайлаш назарда тутилиши мумкин.

Мазкур қонуннинг ҳаётта таътибқ этилиши натижасида қишлоқ ҳўжалигида кооперация муносабатларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асоси яратилди, кооперативлар фаолияти ривожлантирилиши, ҳўжалик субъектлари учун муносабатлар тулиқ ҳуқуқий тартибга солинад.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати органлари ходимлари қунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама қилинди.

Ялли мажлисда юртимиз аҳолисининг тинч, осойишта ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлашда Давлат хавфсизлик хизматининг ўрни бекиёслиги таъкидланди.

Мазкур қонунда 26 сентябрь қунини Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати органлари ходимлари қуни сифатида белгилаш назарда тутилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2018 йилнинг 5 апрелида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Хўжат билан хизмат фаолиятининг мустаҳкам қонуний асослари яратилиб, зарур ташкилий ҳуқуқий механизмлар белгиланди. Натижада Президентимизнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш сибасидага мос бўлган шаффоф, давлат ва халқ манфаатини ҳимоя қилувчи орган яратилди.

Шу сабабли, 2018 йил 2 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати қунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига 5 апрель — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг касб байрамни этиб белгиланган эди.

Бугунги кунда 5 апрель санасини Давлат хавфсизлик хизмати қуни сифатида нишонлаш (Хизматнинг 30 йиллиги) хавфсизлик идораларининг фаолият юритишнинг ҳисоблашда қарама-қаршилиқни келтириб чиқармоқда. Чўки ўтган йиллар давомида (2006, 2011 ва 2016 йиллар) хизматнинг тантанали юбилейларига Давлат хавфсизлик хизматининг хорижий ҳамкорлари тақлиф этилиб, уларга эсдалик нишонлари топширилган.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрами нишонланганидан сўнг, 26 сентябрь қуни Давлат хавфсизлик хизматининг 30 йиллигини ўтказиш мантиқан тўғри ҳисобланади.

Ушбу хўжат қабул қилиниши натижасида 2018 йил 2 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати қунини белгилаш тўғрисида”ги Қонун ўз қунини йўқотди ва 26 сентябрь тарихий санаси асосида юртимизда Ўзбекистон Республикаси

Давлат хавфсизлик хизмати органлари ходимлари қуни сифатида нишонланади.

Мазкур қонуннинг маъқулланиши Давлат хавфсизлик хизмати ходимларининг маънавий-руҳий кайфиятини, хизмат учун фахр туйғуси янада қучайиши, авлодлар ўртасида “Устоз — шогирд” аънаналари сақланиб қолиши, хизматнинг фаҳрийларига ҳурмат ва эҳтиром қўрсатиш, шунингдек, хорижий ҳамкорлар ўртасида давлат хавфсизлик идоралари имижини мустаҳкамлаш имконини беради.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин ялли мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама қилинди.

Қонун тегишли норматив-ҳуқуқий хўжатларни тақомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, коронавирис пандемияси ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш, олис ва чекка ҳўдулардаги бюджет ташкилотларида ишлаш истагини билдирадиган олий маъмулотли мутахассислар сони ошиши ҳамда аҳоли даромадларининг орттишига хизмат қилади.

Жумладан, қонун билан пандемия даврида иқтисодий қийинчиликларга дуч келган соҳалардан бири бўлган туризмни қўллаб-қувватлаш мақсадида тақдим этилган вақтинчалик имтиёзларни қўллаш муддати 2022 йилнинг 1 январигача узайтирилмоқда.

Қонун электр двигатели орқали ҳаракатланадиган автоматотранспорт воситаларини (электробиллар) сотиб олувчилар, олиб кирувчиларни йиғим тўлашдан озод этилишини ҳам назарда тулмоқда.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳар бир шаҳар ва туманларининг ўзига хос “Осиш нуқтаси” деб аниқланган фаолият йўналишлари бўйича янгидан ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига 2024 йил 1 январга қадар фойда ва сув солиқлари бўйича 50 фоизлик имтиёз берилмоқда.

Қонунда Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар ҳўдудида жойлашган айрим ҳўдуларни учун ҳам қонун билан алоҳида солиқ ставкалари белгиланмоқда.

Хусусан, Фарғона вилоятининг Сўх тумани, Риштон туманининг “Чўнғара” МФЙ, Фарғона туманининг “Шоҳимардон”, “Ёрдон” ва “Ҳосилот” МФЙлари (Тоштепа қўчаси) учун фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ижтимоий солиқ (бюджет ташкилотларидан ташқари) ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича 1 фойз миқдорда солиқ ставкаси белгиланмоқда.

Ушбу қонун коронавирис пандемияси ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш ҳамда аҳоли даромадларини қўлайтириш, тегишли соҳалардаги муносабатларни тартибга солуви норматив-ҳуқуқий хўжатларни тизимлаштиришга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар шундан сўнг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилдилар.

Ушбу қонун билан мудофаа соҳасидаги айрим жараёнларга янгилик ва ўзгаришлар киритилмоқда. Хусусан, меҳнатга қобилиятсиз бўлса-да, олиавий-моддий шароитлари яхши ота-оналар розилиқлари билан уларнинг қабурув ёшидаги фарзандларига муддатли ҳарбий хизматга қақириб ёки сафарбарлик қақуриув резервидаги хизматни ўташ имкониятини бериш мақсадида “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 21-моддасига ўзгариш киритиш назарда тутилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 6 мартда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳарбий хизматга қақуриш тартибини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига қўра, фўқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга қақуриш, сафарбарлик қақуриув резервидаги хизматга олиш бўйича жойларда мунтазам тегишли комиссиялар тузиш тизими амалиётга жорий этилди.

Бу эса “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуннинг бир қатор — 18, 20, 21, 38 ва 46-моддаларига ўзгариш киритиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Бундан ташқари, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг 2006 йил 12 майдиги тегишли қарори билан тасдиқланган Давлатта етказилган зарар учун ҳарбий етказматларнинг моддий жавобгарлик тўғрисидаги вақтинчалик низоми қайта қўриб чиқилиб, ундаги жавобгарликни белгилувчи нормалар

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўтказилмоқда.

Хўжатнинг қабул қилиниши мамлакатимиз мудофаа соҳасидаги қонун хўжатларини янада тақомиллаштириш, фўқаролар томонидан ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ йўналишдаги қонун хўжатларини ягона қўринишга келтириш, соҳада қўлланаладиган тушунча, атама ва номланишларнинг бир хил талқин этилишига хизмат қилади.

Ушбу қонун фўқаролар, жамият ва давлат хавфсизлиги ҳамда фўқароларнинг мамлакат мудофаасини таъминлашда иштирок этишига оид ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Бу қонун ҳам сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, ялли мажлисда “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада тақомиллаштириш, фўқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини қучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти ролини ошириш, шу жумладан, судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Сенаторлар томонидан муҳокама қилинган қонун билан қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда:

бўш судьялик лавозимларига номзодларнинг танлов жараёнларини интернет ҳажон ахборот тармоғи (шу жумладан, веб-сайт) орқали ёритиб боришни йўлга қўйиш назарда тутилиши;

судья фаолиятининг самарадорлигини электрон раёхотларни орқали очик ва шаффоф баҳолашни таъминлайдиган аниқ мезонларни ишлаб чиқиш ва амалиётга таътиб этиш;

Судьялар олий кенгаши раиснинг ўринбосари ваколатларига тегишли ўзгаришлар ва бошқа муҳим қоидалар киритилиши қайд этилди.

Қонуннинг қабул қилиниши натижасида очиклик ва шаффофлик асосида судьялар корпусини энг муносиб кадрлар билан таъминлаш механизмлари янада тақомиллаштирилиди, судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш орқали фўқароларнинг одил судловга эришиш даражаси оширилади, суд тизимиде коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдинди олиш механизмлари янада ривожлантирилишига эришилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра “Судга мурожаат қилиш учун янада қўлай шароитлар яратилиши ва фўқаролик процессига соддалаштирилган иш юритиш тартиби жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хўжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Исхотлар натижасида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари янада кенгрок жорий этилди. Яратилган қўлайликлар тўғрйли фўқароларнинг одил судловга эришиш даражаси сезилирли ҳолатда, кескин ошди. Судлар фаолиятига жорий этилган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги нуфузи ва ўрни ошишига ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда замонавий ахборот технологиялари имкониятлари билан фойдаланган ҳолда суд тизимида “Е-XSUD” ахборот тизими жорий этилган бўлса-да, қонун ва қонуноти хўжатларини янада тартибга солиш, уларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янгича ташкил қилишни назарда тутадиган ҳуқуқий нормаларни аниқ белгилаш тақозо этмоқда.

Қонун билан 5 та кодекс, яъни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Фўқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳамда Мазмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида бир қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, суд иш рақами бўйича судьяни “Е-XSUD” ахборот тизими орқали ўзига керак бўлган суд хўжатларини олиш имконияти яратилгани боис, қонун билан қонунчиликта апелляция ва кассация шикоятларининг мазмунини да қайта-қайта асосларида назарда тутилган “иш бўйича қабул қилинган суд қарорларининг суд томонидан тасдиқланган қўйрма нусхалари ило-ва қилинмаган бўлса” деган қоида бекор қилинмоқда.

Иқтисодий процессуал кодексида жорий этилган ва бугунги кунда ижобий натижа берган, яъни соддалаштирилган тартибда иш юритиш институти Фўқаролик процессуал кодексида ҳам қўлланилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг одил судловга бўлган

ишончини янада ошириш, уларнинг ортиқча сарф-харажатларини тешашга эришилади.

Шунингдек, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий этишга хизмат қилади. Шу билан бирга, қонунчиликдаги айрим бўшлиқларни тўлдириб, мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги нуфузи ошишига олиб келади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хўжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фўқароларнинг конституциявий



ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий-ташқилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу жараён давом эттирилиб, қонун ва қонуноти хўжатларини янада тартибга солишни тақозо этмоқда. Қонун 14 та моддадан иборат. Унга мувофиқ 7 та кодекс ҳамда 5 та қонун ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторларнинг таъкидлашича, хўжат билан муқдор ва (ёки) оператор Ўзбекистон Республикаси фўқароларининг шахсига доир маълумотларига ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан, интернет ҳажон ахборот тармоғида ишлов беришда уларнинг жисман Ўзбекистон Республикаси ҳўдудида жойлашган техник воситаларда ҳамда белгиланган тартибда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида йиғилиши, тизимлаштирилиши ва сақланиши таъминлаш шартлиги белгиланмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Миллий гвардия бўли-маларида ҳарбий хизматчилар билан бир қаторда махсус унвонли ходимлар ҳам фаолият қўрсатиши белгиланган. Бирок қўпгина қонунларда Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ходимлари ҳақида нормалар мавжуд бўлса-да, Миллий гвардия ҳўдуди тўғрисида сўз юритилмади. Шу боис “Фўқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги ҳамда “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги қонунлар, Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Бюджет ва Солиқ кодексларига Миллий гвардия ходимлари билан боғлиқ тегишли қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликни бўзиш билан боғлиқ норма бошқа норматив хўжатларга мувофиқлаштирилмоқда. Яъни Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва “Бўғал-терия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунга ўзгаришлар киритилмоқда.

Ушбу ўзгаришларнинг киритилиши инсоннинг шахсий дахлсизлиги олий қадрият эканлиги муносабати билан инсоннинг шахсий ҳаёти, унинг шахсига доир маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш, қайта ишлаш, сақлаш, тарқатишдан жисмоний ва юридик шахсларнинг жавобгарлик таҳдиди билан тийилиши ва умуман, унга доир маълумотлар билан қонуний ишлаш самарадорлиги оширилишига хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар Тошкент вилоятининг Зангиота, Юқори Чирчик, Ўрта Чирчик ва Қибрай туманлари ҳамда Тошкент шаҳрининг Сергели, Бектемир, Мирзо Улўғбек ва Яшнобод туманлари, шунингдек, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри чегараларини ўзгариштириш тўғрисидаги масалани қўриб чиқдилар.

Давлатимиз раҳбари жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, иқтимоий-иқтисодий исхотларнинг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида жорий йилнинг ўзида бир неча маротаба Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятга таширф буюрган эди.

Тошкент вилоятининг Зангиота,

Юқори Чирчик, Ўрта Чирчик ва Қибрай туманлари ҳамда Тошкент шаҳрининг Сергели, Бектемир, Мирзо Улўғбек ва Яшнобод туманлари, шунингдек, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри чегараларини ўзгариштириш ташаббуси ҳам мана шу ташрифлар маъсулидир.

Қайд этиш лозимки, Тошкент шаҳри аҳолиси сони 2021 йил 1 июль ҳолатига 2 737,2 минг кишини ташкил этиб, жорий йил бошида-гига нисбатан 42,8 минг кишига ўсган, аҳолининг зичлиги 1 километр квадратта 7 564 кишини ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида, келажада Тошкент шаҳрини ривожлантириш, унинг ҳўдудини янада кенгайтириш каби масалаларни юзага чиқаради.

Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг йил сайин ошиб бориши шаҳарда янги ижтимоий соҳа объектларини қуриш, янги ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш қорхоналарини таш-

жатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳўзурдаги Мажбурий ижро бюросига парламент сўрови юбориш ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан суд хўжатлари ва бошқа органлар хўжатларини ижро этиш ҳолати ҳамда ушбу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилди.

Бугунги кунда бюро органларининг фаолиятида айрим тизимли камчиликлар мавжуд эканлиги таъкидланди.

Тахлилларга қўра, бюро органлари 2020 йил 1 январь ҳолатида жиноят, маъмурий, фўқаролик, иқтисодий судлар ва бошқа органларнинг жавобгарлик тўғрисидаги қонун жами 48,7 триллион сўмлик 3 788 927 та ижро хўжати иш юри-тувда бўлган.



йил давомида 34,5 триллион сўмлик 2 698 476 та ижро хўжати тамоомланган ва тугатилган. Шундан 15,1 триллион (31 %) сўмлик 2 124 591 та (56 %) ижро хўжати амалда ундирилган. Уларнинг 7,6 триллион сўмлик 742 476 та ижро хўжати муддати бўзилган ҳолда ижро этилган.

2021 йил 1 январь ҳолатига 14,2 триллион сўмлик 1 090 451 та ижро хўжати қолдиқ бўлиб ўтган. Шулардан, 3,2 триллион сўмлик 368 250 таси (40 %) икки ойлик муддати ўтган ижро хўжатлари ҳисобланади.

Шунингдек, норматив хўжатларга асосан битта ижрокчига бир ойда 19 та ижро хўжати ва бир йилда эса 227 та ижро хўжатининг ижросини таъминлаш имконияти мавжудлиги қўрсатилган.

2021 йил 1 январь ҳолатига бюро органларида жами 2 320 нафар давлат ижрокиси фаолият юритади. Ҳар бир давлат ижрокисига бир ойда ўртача 470 та ижро хўжатининг ижросини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд. Жумладан, Мажбурий ижро бюроси иш юритиш-гига фўқаролик ишлари бўйича судлардан ҳар ҳафтанинг белгиланган қунлари ундирувчи билан қўришиб туриш тўғрисида ижро хўжатлари мавжуд.

Лекин “Суд хўжатлари ва бошқа органлар хўжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунда қўришиб туриш ва ижро этиш тартиби тўғрисида бирор-бир модда қўрсатилмаган. Шунингдек, меҳнат қонунчилигида механизм назарда тутилмаган. Натижада давлат ижрокчилари ушбу ижро ишларини амалга ошириш учун дам олиш қунлари ҳам ишга чиқишига мажбур бўлмоқда.

Бундан ташқари, “Суд хўжатлари ва бошқа органлар хўжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунда қўришиб туриш ва ижро этиш тартиби тўғрисида бирор-бир модда қўрсатилмаган. Шунингдек, меҳнат қонунчилигида механизм назарда тутилмаган. Натижада давлат ижрокчилари ушбу ижро ишларини амалга ошириш учун дам олиш қунлари ҳам ишга чиқишига мажбур бўлмоқда.

Бундан ташқари, “Суд хўжатлари ва бошқа органлар хўжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 80-моддасида ундирувдаги 6 та навбат назарда тутилган. Лекин ундирувчи фўқаролар ва тадбиркорлар иккинчи ва олтинчи талабда қўрсатилган. Шу сабабли фўқаролар ва тадбиркорлар фойдасига ундирилиши керак бўлган қарздорлик ундирилмай, тадбиркорлик фаолиятига ўзининг салбий таъсирини қўрсатмоқда. Мазкур масалалар танқид қилинди.

Муҳокама яқунлари бўйича сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳўзурдаги Мажбурий ижро бюросига парламент сўрови юбориш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий исхотларлар масалалари қўмитасининг 2020 йилдаги ва 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар.

Таъкидланганидек, қўмита ўз фаолиятида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Қонун, Ҳаракатлар стратегияси, Президент Фармон ва қарорлари, Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномалари ҳамда низомида белгиланган вазифалар ижроси доирасида муайян ишларни амалга оширган. Хусусан, қонунларни дастлабки тарзда қўриб чиқиш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, парламент назоратини амалга ошириш, давра суҳбати ва халқаро анжуманлар ташкил этиш

йўналишларида жами 76 та тадбир ўтказилган.

Қонунчилик палатасидан келиб тушган 23 та қонун дастлабки тарзда қўри



ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИНГ

◀ **1** Дастлаб **бир палатали парламент — Олий Кенгаш** давлат бошқарувининг мутлақо янги органларини ташкил этишининг, демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий негизи бўлган **Ўзбекистон Республикаси Конституциясини**, ёш давлатнинг суверенитетини мустақамлашга қаратилган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»-ги ва бошқа бир қатор ўта муҳим қонунларни қабул қилди.

Олий Кенгаш ўрнига **бир палатали парламент — Олий Мажлис** шакллантирилди. Масзур босқичда қонун ижодкорлиги депутатлар ишининг **бош йўналишига** айланди. Бу даврда қонун чиқарувчи олий орган мамлакатнинг демократик ва тараққиёт йўлидан мустақил ривожланиб боришининг ҳуқуқий негизини кенгайтирди ва мустақамлади.

2002 йилнинг 27 январида ўтказилган умумхалқ референдуми якунлари асосида 2005 йилда мамлакатимизда **икки палатали Олий Мажлис**: доимий фаолият кўрсатадиган **профессионал орган — Қонунчилик палатаси** ҳамда ҳудудлар манфаатини ифода этадиган вакиллик органи — **Сенатдан** иборат парламент шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасидан бошлаб **парламент фаолиятининг мутлақо янги даври** бошланди, десак, муболага бўлмайди.

Мурожаатнома парламентнинг мамлакат ҳаётидаги **ролини чинакамига оширди**. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг **янги сиёсий йўлидаги** муҳим устуворликлар ҳамда вазифалар бўйича ижтимоий ҳамжиҳатлиқни таъминлаш учун **кенг имкониятлар эшигини очди**.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Янги Ўзбекистон» газетасига берган интервьюсида давлатимиз ва жамиятимизни ривожлантириш борасидаги **энг асосий стратегик қарашларини**, шунингдек, ҳаётимиздаги муҳим муаммоларга нисбатан **шахсий муносабатини** баён этди. Ўртбошимиз давлат ва жамоат институтларини бошланган **ислохотлар йўлини** изчил давом эттиришга ундаган ҳолда, замонавий демократик давлатни барпо этиш борасида **мамлакатимиз танлаб олган йўл** муқобили бўлмаган аниқ ва ягона йўлимиз эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтди.

Чиндан ҳам сўнгги беш йил ичида мамлакатимизда кўлга киритилган ютуқларни, эришилган марраларни таҳлил қилар эканмиз, **«Ўзбекистон Президенти танлаган янги сиёсий йўл зафар қозонди»**, деб ишонч билан айта оламиз. Зеро, «инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари», «очиклик ва ошқоралик», «жамоатчилик назорати», «хусусий мулк дахлсизлиги» каби тушунчалар айнан Шавкат Мирзиёевнинг президентлик фаолияти билан бирга **инсонларнинг реал ҳаётига** чуқур кириб, **амалий аҳамият** касб этиб бордики, бундан буён одамлар ўз тақдирини ушбу тушунчаларсиз тасаввур эта олмайди.

Мамлакатимиз етакчиси ўз вазифасини бажаришга қаришган **илк кунларданок** хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, тадбиркорлик учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ва бизнес вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ушбу соҳада давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришни **энг устувор масала** этиб белгиллади. **2016 йил 5 октябрда** «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги **Фармон** ва **42 та** банддан иборат **комплекс чора-тадбирлар дастури**, **ҳеч шубҳасиз**, ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашда **тамал тоши** бўлди.

Бу борада бошланган ишларнинг мантйқий давоми сифатида **2021 йил 20 августда** давлат раҳбарининг **тадбиркорлар билан ўтказилган илк очик** мулоқоти, унда илгари сурилган **ташаббуслар**, белгиланган **устувор йўналишлар** Қонунчилик палатаси олдига ҳам **янгидан-янги** вазифаларни қўйди. Тадбиркорлар билан ўтказилган ушбу очқ мулоқотда кўтарилган долзарб масалалар, билдирилган ташаббуслар **Қонунчилик палатаси қонун ижодкорлиги** жараёнига янада жиддий ёндашиб, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қийнаёт-

ган масалалар ечимини **қонунларда акс эттириш** бўйича барча зарур чораларни белгилаб олди.

Бунда буён парламентда ҳам **ишбилармонлар билан доимий мулоқотни** йўлга қўйиш, шунингдек, халқ вакилларининг сайлов округларидаги учрашувлари давомида **тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқотларни** янада кўпайтиришга алоҳида эътибор берилади.

Давлат **бюджети** ижросининг боришини кўриб чиқиш, Ҳукуматнинг **давлат дастурлари бажарилишининг** бориши тўғрисидаги ҳисоботини муҳокама қилиш, мансабдор шахсларнинг **ахборотини эшитиш**, шунингдек, **қонун лойиҳаларини қабул қилишда тадбиркорларнинг манфаатлари устуворлигидан** келиб чиқиб ёндашилади.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан **вакиллик органлари ишига катта эътибор қаратилиб**, депутатларни халқнинг ҳақиқий вакиллари, унинг хоҳиш-иродаси ва манфаатларининг том маънодаги ифодачиси сифатида эътироф этди.

Мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган **2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси** демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда **Олий Мажлисининг** ролини янада кўчайтириш борасида муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу тарихий ҳужжат ўтган қисқа даврда халқ сайлаган вакиллик органлари — **парламент** ва **халқ депутатлари Кенгашларининг** мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тўдан **ўзгартирди**.

Ўзбекистон тараққиёти-нинг янги босқичида олди-мизда ўта долзарб ва мурраккаб вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун аввало қонун ижодкорлиги соҳасида ишни бутунлай янгича ташкил этишимиз керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Қонун ижодкорлиги — Қонунчилик палатаси фаолиятининг **энг муҳим, биринчи галдаги вазифасидир**. Қабул қилинаётган қонунларнинг ҳар жиҳатдан мукамал бўлиши аҳоли фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

Қонун ижодкорлиги фаолияти **«Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт»** деган устувор тамойилга асосланди. Бу эса Қонунчилик палатасини ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича **ҳолис баҳс-мунозара** ва **тортишувлар макони**га, турли ижтимоий манфаатлар ўртасидаги **кураш майдони**га, чинакам **«демократия мактаби»**га айлантирмоқда. **2018 йилда** қабул қилинган **Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда**.

Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишлари ҳам **бутунлай янги йўналишда** ташкил этилди, шунингдек, қонун лойиҳаларини қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг **демократик тартиб-қоидалари** жорий этилди.

Жумладан, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг қонун лойиҳалари бўйича **фикрлари ва тақлифларини депутатларга етказиш** ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиш **лозимлиги** белгилаб қўйилди.

Сиёсий хилмахиллик, кўппартиявийлик, масалаларни эркин муҳокама қилиш ва жа-

моа бўлиб ҳал этиш тамойилларига асосан ҳар бир қонун лойиҳаси ёки масала сиёсий партиялар фракцияларининг ййгилишларида дастлабки тарзда кўриб чиқилмасдан туриб **Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилмаслик** принципи амалда **катъий мустақамлаб қўйилди**.

Натижада **2020 йилда** Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилаётган пайтда **10 та қонун лойиҳаси фракцияларнинг қатъий позицияси** туфайли мажлис кун тартибидан чиқарилиб, қайта ишлаш ва такомиллаштириш учун масъул қўмиталарга қайтарилди.

Ўтган даврда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи **субъектларининг** қонун ижодкорлиги **жараёнидаги масъулияти** янада оширилди. Эндиликда қонун лойиҳаси **биринчи ўқишда қабул қилинаётганда**, қоида тариқасида, ташаббускор субъект ёки унинг вакили **маъруза билан чиқиши** белгиланди. Натижада қонун лойиҳасининг биринчи ўқиш жараёнидаги **муҳокамаси том маънода жонланди**.

Қонун лойиҳаларининг **халқаро шартномаларга, мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини** яхшилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиш **амалиёти йўлга** қўйилганлиги мамлакатимиз **халқаро ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг** тўлақонли бажарилишига эришиш, юртимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ҳамда Ўзбекистоннинг **халқаро рейтинглардаги** ўрнини янада яхшилашда муҳим ўрин тутмоқда.

Қонунларни қабул қилиш жараёнида **кенг жамоатчилик** иштирокини таъминлаш, бунда фуқароларнинг хоҳиш-истакларига **қулоқ тутиш**, аҳоли ўртасида **очик муҳокамалар** ўтказиш ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатли бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб, Қонунчилик палатаси томонидан ҳам **қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш тартиби** қабул қилинди. Жумладан, Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида **«Жамоатчилик муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳалари»** махсус **руқни** ташкил этилиб, сўнгги тўрт йилда жами **56 та** қонун лойиҳаси аҳоли муҳокамаси учун жойлаштирилди.

Мазкур амалиёт, биринчи навбатда, қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларда **сайловчилар манфаатларини янада тўлиқ ифодалашга** ҳамда ушбу қонунларнинг **ҳаётга самарали жорий этилишини** таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тўғридан-тўғри амал қиладиган, яъни ижро этилиши учун қонунности ҳужжати ишлаб чиқиш талаб этилмайдиган қонунларни қабул қилишга бўлган эътибор кучайтирилди. Шунга асосан, «Давлат божи тўғрисида»-ги, «Қасаба уюшмалари тўғрисида»-ги, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»-ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»-ги, «Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»-ги ҳамда «Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида»-ги каби қатор қонунларда ҳавола шаклидаги нормалар ўрнига **тўғридан-тўғри ишлайдиган қоидалар** белгиланди.

Ўтган даврда сайловчилар, шу жумладан, партия **электорати манфаатларидан** келиб чиқиб, депутатларнинг қонунлар сифатига, **концепциясига нисбатан талаби** кучайди. Натижада муҳокама қилинган бир қатор қонун лойиҳалари жиддий мунозара ва баҳсларга сабаб бўлиб, овоз бериш якунларига кўра **рад этилди**. Жумладан, **2020 йилда 8 та қонун лойиҳаси рад этилиб**, ташаббускор идорага қайтарилган бўлса, **2016 йилда ушбу кўрсаткич**, бор-йўғи, **1 тани** ташкил этган эди.

Сўнгги йилларда қонун ижодкорлиги фаолияти кўлами ҳам, иш ҳажми ҳам олиб борилаётган ислохотларга ҳамоҳанг бўлмоқда. Қонунчилик палатасининг кўриб чиқишидаги қонун лойиҳалари сони аввалги йиллардагига қараганда қарийб **3 баравар** кўпайди, қонунларнинг ҳажми ҳам шунга монанд равишда бир неча баравар ошди.

Жумладан, **2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида** Қонунчилик палатасининг кўриб чиқишида **32 та** қонун лойиҳа-

си бўлган бўлса, **2021 йилнинг мос даврида** бу рақам **98 тани** ташкил қилди.

Қайд этиш жоизки, сўнгги беш йилда барча соҳада изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар **ўз навбатида соҳада янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда**. Бу эса масалани тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладди. Шунга мувофиқ, ўтган даврда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасини янада ислох қилиш, иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий тармокни ривожлантириш борасидаги масалаларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган,

Мустақилликнинг
30 йиллиги:

МИЛЛИЙ

М

илгари мавжуд бўлмаган 50 дан зиёд қонунлар қабул қилинди.

Хусусан, «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»-ги, «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»-ги, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»-ги, «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»-ги, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»-ги, «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»-ги, «Волонтерлик фаолияти тўғрисида»-ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ўтган даврда депутатлар корпусининг қонун ижодкорлиги фаолияти натижадорлиги янада ошиб, депутатлар ташаббуси билан киритилаётган қонун лойиҳаларининг салмоғи ортди. Хусусан, 2015 йилда депутатлар ташаббуси билан жами **8 та** қонун лойиҳаси киритилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич **19 тани** ташкил этиб, **2 баравар** ўсди. **Ушбу рақамлар** халқ вакилларининг сайловчилар томонидан кўтарилаётган долзарб **муаммоларнинг ичига кириш, мунтазам таҳлил** қилиш асносида уларга **ҳуқуқий жиҳатдан ечим топишда янада ташаббускор бўлаётганлигини** кўрсатади.

Қолаверса, сиёсий партиялар фракциялари жойлардаги муаммолардан доимий равишда хабардор бўлиб бораётганлиги қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда уларнинг ечимини топиш имконини кенгайтирмоқда. Фикримиз тасдиқи сифатида айнан аҳоли томонидан кўтарилган масалалар асосида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган **«Томорка ҳўжаллиги тўғрисида»-ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»-ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги, шунингдек транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича сугурта полиси ёнида бўлмаган хайдовчилар транспорт воситаларини бошқарганда автотранспорт воситаларини ушлаб туриш тартибининг бекор қилишга қаратилган қонунларни** келтириш мумкин.

Шу билан бирга, ўтган даврдаги қонун ижодкорлигининг таҳлили бу борада ҳали ўз ечимини кутиб турган бир қатор масалалар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда депутатлар томонидан киритилган қонун лойиҳаларининг **кўп қисми** муайян қонун ҳужжатларига **ўзгартиш ва қўшимчалар** киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларидир.

Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда **фракциялар аъзоларининг** ташаббускорлиги ҳам **талаб даражасида эмас**. Ҳозирда айрим қонун лойиҳалари **бир неча фракция аъзолари томонидан биргаликда** киритилмоқда. Бу эса, аниқ йўналиш, бир-бирдан фарқли сайловолди дастурларни ва электоратга эга фракцияларнинг ўз **электорати манфаатларини тўлақонли ифодалаш имконини** бермапти. Шу нуктаи назардан, **«бир фракция — бир лойиҳа» тамойили** асосида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш амалиётида ўтиш муҳим аҳамият касб этади.

Қонунчилик палатасига киритилган ҳар бир қонун лойиҳасининг муҳокамаси депутатлар томонидан билдирилган **қўллаб-саволлар, фикр-мулоҳазалар, тақлиб ва эътирозлар** натижасидаги **кескин баҳс-мунозара ва тортишувлар асосида ўтказилиб**, айрим ҳолларда қонун лойиҳалари масъул қўмитага қайтарилмоқда. Бундай муҳокамалар, асосан, Қонунчилик палатаси ялли мажлисларида бўлиб ўтмоқда. Бироқ қонун лойиҳаларининг муҳокамасига бағишланган фракция ва қўмиталар ййгилишларида ҳам бундай **қизгин мунозаралар** кузатилмаяпти.

Бундан ташқари, ҳали ҳам ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган **қонунларнинг салмоғи етарли даражада эмас**. Ушбу муносабатлар, асосан, **қонуности ҳужжатлари** билан тартибга солинмоқда.

Қонун лойиҳаларининг сифатини янада ошириш бўйича қўрилган чораларга қарамаздан, палатага келиб тушаёт-

ган айрим қонун лойиҳалари депутатлар томонидан қайтадан тайёрланмоқда, халқ вакиллари **лойиҳалардаги жузъий камчиликларни** бартараф этишга кўп вақт сарфламоқда. Ваҳоланки, бундай масалаларни лойиҳа киритилгунга қадар ҳал этса бўлади. Бу каби ҳолатлар ушбу масалага қонун ташаббускорлари томонидан **жиддий эътибор қаратиш** лозимлигини кўрсатмоқда.

Қисқача айтганда, қонунларнинг мукамаллигини таъминлаш, ҳуқуқий ҳужжатларда ҳаётий ҳамда халқчил тамойилларни акс эттириш бирламчи вазифамиз бўлмоғи лозим. Зеро, давлат ва жамият

тараққиёти қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатига боғлиқдир.

...депутатлар таъсирчан парламент назоратини олиб бориш орқали халқ ишончини оқлаши зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Бугун ривожланган демократик давлатлар тажрибасидан қўриш мумкинки, ислохотларнинг сифати ва самараси кўп жиҳатдан **милий парламентнинг иштироки** даражасига боғлиқ.

Бугунги кунда Ҳаракатлар стратегияси доирасида парламентимизда нафақат қонунлар ижроси, парламент ваколатларига киритилган йўналишларда Ҳукумат фаолиятини назорат қилиш, **балки парламент бошқаруви шаклига асосланган республикалардаги** каби **Ҳукумат аъзолигига номзодларни** Қонунчилик палатаси томонидан **маъқуллаш амалиёти** жорий этилди.

Ўтган даврда Қонунчилик палатаси **ўзининг асосий вазифасини**, яъни қонун ижодкорлигини амалга ошириш **билан бирга**, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан **таъсирчан парламент назоратини олиб борди**.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлисининг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатида оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича парламентга зарур ваколатлар берилди.

Жумладан, **2019 йилдан** бошлаб **Ҳукуматнинг Давлат дастури ижроси бўйича** парламент олдида **ҳар чоракда ҳисобот бериш** амалиёти йўлга қўйилди. Ўтган даврда парламентда Вазирлар Маҳкамасининг давлат дастурларининг бажарилиши ҳолати юзасидан ҳисоботи **10 маротаба** кўриб чиқилди. Бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қатор тақлифлар ишлаб чиқилди. Парламент назоратининг ушбу янги шакли **Ҳукуматнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини ошириш, давлат дастурларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда депутатлар корпусининг ислохотлар жараёнида** фаол иштирокини таъминлаш йўлидаги **муҳим кадам бўлди**.

Мамлакатимиз раҳбарининг давлат ҳокимияти турли тармокларининг **ўзаро бир-бирини тийиб туриш** ҳамда **мувозанатини сақлаш** механизмлари тизимида парламентнинг ролини оширишга қаратилган **ташаббуслари** алоҳида эътирофга лойикдир. Хусусан, Қонунчилик палатаси фаолиятига ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратининг муҳим тури — мунтазам равишда ўтказиладиган **«Ҳукумат соати»** институти жорий этилди. Ўтган даврда **27 маротаба** «Ҳукумат соати» ўтказилиб, уларда ҳукуматнинг жами **33 нафар** аъзоси халқ вакилларининг жамиятдаги долзарб масалалар юзасидан саволларига атрофлича жавоб берди.

Ҳукумат **аъзолигига номзодларни тасдиқлаш** бўйича Президентимиз томонидан илгари сурилган тажриба парламентнинг **назорат борасидаги ваколатларини янада кенгайтирди**. Қолаверса, ушбу амалиёт ҳукумат томонидан аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишда натижадорлиқни таъминлаш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли **ислохотлар** **фуқароларнинг ҳаёт тарзига** янада чуқур кириб боришига хизмат қилмоқда.

Яқингача парламент аъзолари Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида **фақатгина** Ҳукумат аъзолари, Ҳисоб палатаси, Бош прокурор ва Марказий банк бошқаруви раисининг ахборотини эшитиш ҳуқуқига эга эди. Эндиликда парламент назорати объектлари доираси янада кенгайтирилиб, **ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига ҳам парламент**

сўровини юбориш, ҳам уларнинг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан **ахборотини** парламент палаталарининг мажлисларида **эшитиш тизими** жорий қилинди.

Ўтган даврда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига парламент сўровини юбориш институтидан фойдаланиш **натижадорлиги** сезиларли равишда ошди. Агар 2015 йилда бор-йўғи **1** та парламент сўрови юборилган бўлса, 2020 йилда **14** та сўров жўнатилган. Ушбу рақамлар **парламент сўровлари** қонун ва қарорлар ижроси ҳамда ислохотлар самарадорлигини таъминловчи **таъсирчан восита**га айланганини кўрсатади.

Парламент назорати тадбирлари давомида **тегишли соҳани** ривожлантириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан **аник таклифлар ишлаб чиқиш** ҳамда мансабдор шахслар ишига танқидий баҳо беришга ургў берилди. Бу эса **ҳўкумат аъзоларининг**, мансабдор шахсларнинг фаолияти самарадорлигини янада оширишга, пировардида, фуқароларнинг давлат органлари фаолиятидан розилигини таъминлашга, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Харакатлар стратегияси доирасида **парламентга берилган янги ваколатлар** нафақат мамлакат ички ҳаёти, балки ташқи сиёсатига оид стратегик вазифаларни ҳал қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, **2020 йилдан** Ўзбекистон Респуб-

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

ликасини **Барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг** ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан Ҳўкумат аъзолари ва тармоқ раҳбарларининг ҳисоботини мунтазам эшитиб бориш **амалиёти** йўлга қўйилди.

Сўнгги йилларда парламент фаолиятида олиб борилаётган бу каби ислохотлар, айнисқа, ҳисобдорликнинг **бундай шакллари**нинг жорий этилиши **ҳўкуматнинг очиклигини ва масъулиятини** тўбдан оширди. Қолаверса, жойларда аҳоли томонидан **кўтарилаётган масалаларни ҳўкумат олдига қўйишда** айна мўддао бўлди.

Шу билан бирга, парламент назоратининг барча шаклидан **ҳамма вақт ҳам бирдек самарали фойдаланилмаепти**. Яъни **парламент назорати** шакллари **ҳали етарлича ишга солинмаган** ва **фойдаланилмаган** қирралари ҳам мавжуд. Жумладан, бугунги кунда юборилаётган депутат сўровларининг **сони** кўп бўлса-да, ушбу сўровларда кўтарилган масалаларнинг ҳал этилиш **самарадорлиги пастлигича** қолмоқда. Шўнингдек, депутат сўровларини мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқиш муддатларининг бузилиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Шу боис қорағи давлатлар парламентларининг бу ҳоридаги тахрибасини чуқур таҳлил қилган ҳолда **депутат сўровини** юбориш **тартибини кайтадан кўриб чиқиш**, ушбу институтдан самарали фойдаланишининг **ҳўкуқий асосларини янада тақомиллаштириш** чораларини кўриш талаб этилади.

Умуман олганда, Қонунчилик палатасига парламент назоратини амалга ошириш бўйича берилган ваколатлардан самарали фойдаланиб, **халқ фаровонлигини юксалтириш** ва жонажон Ватанимизни янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўиш **устувор вазифамизга айланмоғи зарур**. Ишонч билан айтиш мумкинки, депутатлар корпуси бу ишга тайёр ва ҳозирги шиддатли ўзгаришлар даврида Президентимиз томонидан илгари сурилган ҳаётий ташаббусларнинг амалга оширилишида фаол иштирок этишга қатъий бел боғлаган.

Депутатлар муҳокамага қиритилган ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича ўзининг мустаҳкам позициясини кўрсатган тақдирдагина, сайловчилар ишончини оқлай олади.

Шавкат МИРЗИЁЁВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Парламентга бўлиб ўтган сўнгги сайловлар жараёнида фуқароларнинг сиёсий партиялар **ғояларига қизиқиш**, сайловди баҳс-мунозараларидаги фаоллиги ва талабчанлигининг ортагалиги **фракциялар фаолиятини** тақомиллаштиришга **туртки** бўлди.

Бугунги кунда **парламент минбари** чи-накам баҳс-мунозара, принципал тортишувлар майдониға айланди. Бунда сиёсий партиялар фракцияларининг ҳақиқий қиёфаси ва позицияси яққол намоён бўлмоқда.

Қонун лойиҳалари муҳокамаси бўйича **фракциялараро рақобат** кескин кучайди. Натижада 2017 — 2021 йилларда **25** та қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳўкуқи субъектига ҳамда **31** та қонун лойиҳаси **қайта ишланиши учун қўмиталарга қайтарилди**. Хусусан, нўгиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларини таъминлаш, банк фаолияти, лицензиялаш, **тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш** учун рўхсат бериш, истеъмолчиларнинг ҳўқўқларини ҳимоя қилиш, **соғлиқни сақлаш** ҳамда кўп қаватирали уйларни бошқариш фаолиятини тартибга солиш ҳамда бошқа масалалар юзасидан **фракциялараро муҳокамалар кескин тарзда ўтди**.

Сиёсий партиялар манфаатини Қонунчилик палатасида ҳимоя қилиш ишини ташкил этиш,

кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан фракциянинг ягона позициясини ишлаб чиқиш, фракция аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида **2017 йилда** Қонунчилик палатасидаги ҳар бир сиёсий партия **фракциясининг ижрочи котиби, яқиндан бошлаб Қонунчилик палатаси депутати**нинг **ёрдамчиси лавозимлари таъсис этилди**. Бу эса фракциялар билан тегишли партиялар ўртасидаги алоқаларни янада **жонлантирди**.

Айни пайтда **фракцияларнинг** ўзи мансуб бўлган сиёсий **партиялар билан ўзвий алоқасини** мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, сиёсий партиялар ҳамда жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларини **фракциялар томонидан кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари жойларда муҳокама қилиш учун** тегишли партияларга юборилмоқда, сиёсий партиялар эса уларни жойлардаги **партия ташкилотлариға** етказмоқда.

Қонун **нормаларининг халқчиллигини** таъминлаш ҳамда жамият ҳаётини янада яхшилаш борасидаги самарадорлигини ошириш мақсадида фракцияларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳам **янги амалиёт — «электорат билан маслаҳатлашувлар» институти** жорий этилди. Натижада ўтган

даврда палатаға келиб тушган қатор қонун лойиҳалари фракциялар томонидан жамоатчилик иштирокида кенг муҳокамалардан ўтказилиб, маромиға етказилди. Ушбу амалиёт **«Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт»** деган устувор тамойилнинг амалда татбиқ этилишида муҳим аҳамиятға эға бўлмоқда.

Шу билан бирга, бугунги ислохотлар жараёни фракциялар фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш бўйича қатор масалаларға ҳам эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, фракциялар ўз партияси электорати манфаатларини ҳимоя қилишға қаратилган қонун лойиҳалари бўйича ташаббускорлиғи етарли даражада эмас. Мисол учун, **2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида** Қонунчилик палатасига қиритилган жами **69** та қонун лойиҳасининг бор-йўғи **8,6** **foisи** фракциялар ташаббусиға тўғри келади ҳолос.

Қонунчилик палатасида бирор қонун лойиҳасини қабул қилишда ташаббускор бўлган фракция ушбу **ҳўкуқий ҳўжжатни амалиётға жорий этиш бўйича «йўл харитаси»**ни ишлаб чиқишни йўлга қўйиши муҳим аҳамият касб этади.

Фракциялар **электорат билан таъсирчан мулоқотни йўлга қўйиш** орқали қабул қилинган қонунлар халқ томонидан қандай ҳам ҳоланганлигини, қайси қонунлар аҳолиға наф келтираётганилигини, қайси ҳўқўқий ҳўжжат эса ишламай турганлигини таҳлил қилиши зарур.

Парламент фаолиятида **очиклик ва шаффоқлики**ни таъминлаш, халқ вакилларининг фуқаролар олдида **ҳисобдорлигини ошириш** мақсадида фракцияларнинг **ҳар чоракдаги фаолияти бўйича матбуот анжумани ташкил этиш** борасидаги ишларини ҳам **жонлантириш** зарур бўлади. Бу, албатта, қабул қилинаётган қонунларнинг самарали ишланиши таъминлаш, қўйи палатада муҳокама этилаётган муҳим масалалардан жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда ролини мустаҳкамлашға хизмат қилиши, шўбҳасиз.

Мамлакатимизда давлат органлари фаолиятида очиклик ва ошқоралик тобора кенгайиб бормоқда.

Шавкат МИРЗИЁЁВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Давлат раҳбари томонидан таъкидланганидек, жамиятдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳал этишда мамлакатимиз ҳаётини янада эркинлаштириш, **очиклик ва ошқоралик** муҳитини таъминлаш, **жамоатчилик назоратини** кучайтириш муҳим роль ўйнайди.

Шундан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасининг ўтган даврдаги фаолиятида ҳам **очиклик ва шаффоқлик бош мезонға** айланди. Медиа маконининг талаб ва эҳтиёжларига мос тарзда **«Facebook», «Telegram»** ва **«Instagram»** каби **ижтимоий тармоқлар** ҳамда **«YouTube»** видеохостингида **«Oliy Majlis Qonunchilik palatasi»** номли расмий саҳифалар очилганлиги палата фаолиятиға оид ҳолис, ишончли ахборот тарқатилишини таъминламоқда.

Бугунги кунда Қонунчилик палатаси мажлисларини, сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар ййғилишларини оммавий ахборот воситалари ҳамда қўйи палатанинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали **тўғридан-тўғри эфирға узатиш амалиёти** йўлга қўйилди. Хусусан, **2021 йилда** ўтказилган **«Ҳўкумат соати»** тадбирлари Қонунчилик палатасининг **«YouTube»**даги расмий саҳифаси орқали **жонли тарзда** кенг ёритилди.

Парламент фаолияти **натижаларидан аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш** масаласи Қонунчилик палатасининг **эътибори марказида** бўлди. Қўйи палата мажлислари, назорат-таҳлил тадбирлари ҳақидаги ахборотни оммавий ахборот во-

ситаларида, расмий веб-сайтларда, ижтимоий тармоқларда **кенг ёритишға устувор** эътибор қаратилди.

Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини **ҳар қачонгидан ҳам очик ва ошқора** олиб бориш учун электрон портал ва мобиль иловадан фойдаланиш имконини берувчи **«Электрон парламент»** тизимини яратиш борасида сезиларли ишларни амалға оширмоқда.

Хусусан, депутатларнинг сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш, кўриб чиқилаётган ҳўжжатларни муҳокама қилиш имкониятини берадиган **«Қонун ижодкорлиги фаолияти тизими»** ҳамда **«Ўзбекистон Республикаси Депутатлар портали»** синов тариқасида ишға тўширилди. Ушбу хизматлар депутатларға сайловчилардан келиб тушган муурожаатлар ва қабулга ёзилиш бўйича сўровларни электрон тарзда қабул қилиш ҳамда онлайн мулоқот олиб бориш имконини бермоқда.

Бугунги кунда ахборот майдонида Қонунчилик палатаси **аъзоларининг фаоллиги сезиларли** даражада ошди. Хусусан, **депутатлар ижтимоий тармоқларда шахсий саҳифаларини очиб**, ўз фаолияти ҳақида сайловчиларни хабардор этиб бориш баробарида, **жамият ҳаётиға оид долзарб масалалар бўйича жамоатчилик билан олиб борилаётган** фаол **мулоқотнинг ташаббускорига** айланди.

Депутат, аввало, ҳамиша халқ дарди билан яшаши, одамларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш учун фидойилик кўрсатиб бошқаларға ўрнак бўлиши лозим.

Шавкат МИРЗИЁЁВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Бугун барча ислохот, ўзгариш ва янги лойиҳалар **халқимизни рози қилиш**, одамларнинг **муаммоларини тинглаш** ва уларға ўз вақтида ечим топиш, **фуқароларнинг ишончини оқлаш** ҳамда оғирини енгил қилишға қаратилган.

Жамиятдаги мавжуд камчиликларни аниқлаш, аҳоли билан **яқиндан мулоқот** қилишда халқ вакиллари бўлган **депутатларнинг ўрни ва роли муҳим аҳамият** касб этмоқда. Шу маънода, **халқ вакиллари фаолиятида сайловчилар депутат олдига эмас, депутат ўз сайловчилари ҳўзуриға бориши шарт**, деган тамойил устуворлик касб этди. Хусусан, илгари депутатлар ўз сайловчилари билан **йилда икки ёки уч марта мулоқот қилган** бўлса, бугунги кунда бу борадаги ишлар **мунтазамлик** касб этиб, халқ ноиблари **ҳар ойнинг охириғи ҳафтасини ўз сайлов округида ўтказмоқда**.

Сайлов округидаги вазиятдан мунтазам равишда хабардор бўлиб бориш мақсадида **ҳар бир депутат ўз ҳудудидаги Халқ қабулхоналари** билан доимий **алоқа ўрнатди**. Ушбу ҳамкорлик жойларда сайловчиларни қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш ва ўз вақтида ҳал этиш, одамларнинг дарду ташивларини тинглашида муҳим омил бўлмоқда.

Давлат раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар парламентға аҳолини ташивишлантириб келаётган муаммоларни чуқур ўрганиш, **халқ ва давлат институтлари ўртасида кўприк бўлиш**, сайловчиларнинг **манфаатларини тўлароқ** ифодалаш имконини берди.

Бу борадаги ишларни ташкил этишда депутатлар нафақат фуқаролар томонидан билдирилаётган муаммо ва камчиликларни ўрганмоқда, балки **ижтимоий ҳаётнинг муҳим жабҳаларидаги** ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларға **халқнинг фикри** ҳамда аҳоли **манфаатларини** инобатға олган ҳолда алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, инсонларнинг соғлиғини сақлаш, тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш масалаларига **Қонунчилик палатаси масъул қилиб белгиланганлиги** депутатларимиз ишиға **янгича муҳим йўналишни** олиб кирди.

Бугунги кунда Қонунчилик палатасида тузилган **Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларни ҳаётға татбиқ этиш бўйича парламент комиссияси** иштирокида ҳудудларда ўрганишлар ўтказилиб, соҳадаги мавжуд муаммолар аниқланмоқда ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Депутатлар томонидан **тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш** борасидаги кенг қамровли фаолият **алоҳида мавзу бўлиб, у доимо халқ вакилларининг диққат марказида** туради.

Ҳозирги кунда парламент аъзолари қонун ижодкорлигини амалга ошириш билан бирга, **ҳар ойда ҳудудларға чиқиб**, муайян масала ва муаммоларни ўрганмоқда. Жумладан, ўтган даврда **бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш**, таълим-тарбия тизимини тақомиллаштириш, коррупцияға қарши курашиш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш каби долзарб масалалар **халқ вакилларининг доимий эътиборида** бўлди.

Депутатлар томонидан **«темир дафтар»**ға қиритилган аҳолини қўллаб-қувватлаш, **«ёшлар дафтари»** ва **«аёллар дафтари»** асосида ишсиз ёшлар ҳамда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, жойларда одил судловни амалга ошириш, деҳқон ҳўжаликлари ҳамда шахсий томорқалардан самарали фойдаланиш борасида баҳарилаётган ишларнинг ҳолати атрофлича ўрганилди. Ушбу ўрганишлар яқунлари **маҳаллий Кенгашлар сессияларида** кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳокама қилинди.

Шу ўринда депутатлар сайлов округларидаги фаолиятининг натижадорлигини ошириш ва сайловчилар билан тизимли иш олиб бориш бўйича **ўз ечимини қутаётган бир қатор масалалар** ҳам мавжудлигини, халқ вакилларининг аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш борасидаги фаолиятиға **янги механизм** ва **самарали усуллари** жорий қилиш зарурлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Кейинги пайтларда сайловчилар қатор муаммоларни кўтариш билан бирга, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича **асослантирилган таклифлар** ҳам билдиришмоқда. Депутатлар корпуси ушбу таклифларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, уларни қонун лойиҳаларида акс эттириши, жойлардаги тизимли муаммоларни ҳал қилиш бўйича қонун ташаббускорлигини янада кучайтириши зарур.

Маҳаллий Кенгашларда ҳам, худди Сенат ва Қонунчилик палатасидаги каби, ёшлар парламенти вакиллари мактаби ташкил этилади.

Шавкат МИРЗИЁЁВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Сўнгги йилларда парламентда ёшларнинг ўрнини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, бугунги кунда Қонунчилик палатаси депутатларининг **9 нафари ёки 6 foisи** **30 ёшгача бўлганлардир**.

Бугунги кунда қўйи палатадаги **ёшлар парламенти** аъзолари қонунчилик ва қонун ижодкорлиги жараёниға эртaмиз эгаларини жалб этиш ва қабул қилинаётган қонунларни ёш авлод орасида кенг тарғиб қилиш орқали уларнинг **парламент ҳаётиға дахлдорлигини оширишда** фаол қатнашмоқда.

Жумладан, ўтган мобайнида Қонунчилик палатасига қиритилган **19** та қонун лойиҳаси юзасидан Ёшлар парламенти томонидан навқирон авлоднинг ҳўқўқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишға оид **таклифлар тайёрланди**.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан **30 июнь — Ёшлар кўниға** бағишланган тантанали маросимда **парламентда ййгит-қизларнинг иштирокини** ошириш, сиёсий етук ва фаол ёшларни миллий парламент ва маҳаллий Кенгашлар фаолиятиға **янада кенгрок жалб этиш** борасида қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Шундан келиб чиқиб, парламентда келажак ворисларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш бўйича яқин ва узоқ истикболға мўлжалланган қатор вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, энг аввало **«Биз парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаймиз!»** деган ташаббусни амалга ошириш орқали ёшлар ва парламент ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланади.

Шўнингдек, сиёсий етук ва фаол ййгит-қизлар **парламент аъзоларига бириктирилади**, Қонунчилик палатаси ва Сенатдаги каби маҳаллий Кенгашларда ҳам **ёшлар парламенти вакиллари мактаби** ташкил этилади.

«Фракция ва ёшлар», «Депутат ва ёшлар»нинг тўғридан-тўғри мулоқотини ўтказиш орқали ёшларни тадбиркорликка жалб этиш ва уларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида китобхонликини тарғиб этиш, фикрлари ва таклифларини ўрганиб бориш **парламент аъзоларининг** фаолиятида устувор вазифаға айланади.

Халқаро парламентлараро алоқаларни тизимли равишда ривожлантириб бориш бундан кейин ҳам депутатларнинг доимий эътибор марказида бўлиши зарур.

Шавкат МИРЗИЁЁВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Бугунги кунда парламент нафақат вакиллик, қонун ижодкорлиғи, назорат фаолиятини амалга ошириш, балки

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган, **очик, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи ҳамкорликка қаратилган** ташқи сиёсатни юритишда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, ўтган даврда Қонунчилик палатасининг **халқаро парламентлараро алоқалари** мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларға мос равишда **янги сифат босқичиға кўтарилди**.

Ўзбекистон дунёдаги энг нуфузли халқаро парламент ташкилотлари бўлган Парламентлараро Иттифоқда, ЕХҲТ Парламент Ассамблеясида, МДҲ Парламентлараро Ассамблеясида ўзининг **аъзолигини тиклади**. Бу эса кенг доирадаги масалалар бўйича қамровли ҳамкорлик борасида қўшимча имкониятлар эшигини очди.

Қонунчилик палатасининг **халқаро алоқалари географиясини кенгайтириш**, жаҳон микёсида мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, парламентлараро гуруҳлар фаолиятини жонлантириш ҳамда бу борада таъсирчан парламент назоратини кучайтириш мақсадида Қонунчилик палатаси **Спикерининг биринчи ўринбосари лавозини жорий этилди**. Ушбу янги инсти-

тутнинг жорий қилиниши парламентнинг халқаро парламентлараро алоқаларини сезиларли даражада фаоллаштирди.

Хорижий давлатлар парламентлари билан ҳамкорлиқни ривожлантириш, халқаро парламентлараро ташкилотлар фаолиятида Олий Мажлиснинг фаол иштирокини таъминлаш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг ташаббусларини илгари суриш мақсадида **Ўзбекистон Республикасининг парламент дипломатияси концепцияси** тасдиқланди.

Ўтган даврда Олий Мажлиснинг хорижий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорлик бўйича гуруҳлари ва комиссияларининг ишларини фаоллаштириш ва амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш чораларининг кўрилиши натижасида **парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари** фаолияти кескин жонланди. Қонунчилик палатасида 2015 — 2019 йилларда **28** та парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи фаолият олиб борган бўлса, 2021 йилда уларнинг сони қарийб **икки баравар** ошиб, **53** таға етди.

Парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари Ўзбекистоннинг халқаро нуфузлари мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида **жаҳон ҳамжамиятиға ҳолис ахборот етказиш**, хорижий давлатлар парламентлари билан тажриба алмашинувини йўлга қўйиш орқали **ўзаро манфаатли алоқаларни** янада кенгайтиришға хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоизки, ўтган даврда Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларидаги мажбуриятлари бажарилиши ҳамда халқаро йўналишда қабул қилинган **«йўл хариталари»** ижроси **устидан парламент назорати** кучайтирилди. Жумладан, инсон ҳўқўқларини ҳимоя қилишда парламентнинг ролини ошириш, халқаро ташкилотлар тавсиялари ижросини ташкил этиш, хорижий инвестициялар ва ташқи савдо масалаларига оид тасдиқланган кўплаб «йўл хариталари» устидан **самарали парламент мониторингини** амалга ошириш **амалиёти** йўлга қўйилди.

Сўнгги йилларда **халқаро йўналишдаги қонун ижодкорлиғи** ҳам сифат жиҳатидан **сезиларли даражада ўсди**. Жумладан, 2010 — 2014 йилларда халқаро шартномаларни ратификация қилиш ва халқаро ҳўжжатларға қўшилишға қаратилган **20** та қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, қабул қилинган бўлса, 2015 — 2019 йилларда ушбу рақам **икки баравар** ошиб, **47** тани ташкил этди.

Кейинги йилларда миллий парламентимизнинг нуфузли халқаро парламентлараро бирлашмалардаги иштирокини янада кенгайтириш, бунда мамлакатимиз **манфаатларини фаол илгари суриш** ҳамда амалий натижадорлик **нуқтаи назаридан ёндашиш** муҳим масалалардан бириға айланмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, мустақиллик йил

ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА ДАХЛДОР МАСАЛАЛАР ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Муносабат

Қонунчиликка Миллий гвардия ходимлари ҳақидаги меъёр киритилди

Матлуба ҒАНМЕВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:



— Ялпи мажлисда муҳокама қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан катта аҳамиятга эга. Мазкур қонун билан 7 та кодекс, 5 та қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Унга кўра, аввало, мулкдор ва (ёки) оператор Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов беришда, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида ишлов беришда уларнинг ҳисман мамлакат ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда белгиланган тартибда Шахсга доир маълумотлар базасининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базасида йиғилиши, тизимлаштирилиши ва сақла-нишини таъминлаши шартлиги белгиланмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Миллий гвардия бўлинмаларида ҳарбий хизматчилар билан бир қаторда махсус унвонли ходимлар ҳам фаолият кўрсатиши белгиланган. Бироқ қатор қонунларда Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ходимлари ҳақида норма бўлса-да, Миллий гвардия ходимлари ҳақида сўз юритилмаган.

Шу боис “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги ва “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги қонунларга ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Бюджет ва Солиқ кодексларига Миллий гвардия ходимлари билан боғлиқ тегишли қўшимчалар киритилмоқда.

Фарҳод БОҚИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Ер — умуммиллий бой-лик. Шу сабабли ҳам сўнгги йилларда ушбу ресурсдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер муносабатларига оид қонуний-лиқни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинган. Натижада соҳага ахборот технологиялари кенг жорий қилиниши ҳисобига ер ажратиш тартиби очиқлиги ва шаффофлиги ортиб, бу борадаги бюрок-

ратик тўсиқлар бартараф этилган.

Шу сайё-ҳаракатларга қарамай, ер билан боғлиқ муносабатларда талон-торожлиқлар рўй бераётгани афсусланарлидир. Масалан, ҳозирга қадар ер ресурсларини талон-торож қилиш, ўзбошимчилик билан эгаллаш, ноқонуний сотиш ҳолатлари учраб турибди.

Кадастр агентлиги ташкил этилгандан буён

Ишловчи фуқаро ишламайдиган турмуш ўртоғи пенсия олиши учун ўз даромадидан солиқ тўлаши мумкин

Эркин ҒАДОЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси:

— Охириги беш йилда тадбиркорларга яратиб берилган шарт-шароит ва қулайликларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, бу борада эътирофга лойиқ ишлар рўёбга чиқгани ойдинлашади. Шунинг ҳисобига тадбиркорлик изчил ривожланиб, иқтисодиётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлмоқда.

Ялпи мажлисда муҳокама қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган. Бу қонун тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, тад-

биркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда пандемиянинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш, шунингдек, олис ва чекка ҳудудлардаги бюджет ташкилотларида ишлаш истагини билдирадиган олий маълумотли мутахассислар сони ортиши ҳамда аҳоли даромадларининг ошишига хизмат қилади.

Жумладан, қонун билан пандемия даврида иқтисодий қийинчиликларга дуч келган соҳаларда бири бўлган туризмин қўллаб-қувватлаш мақсадида тақдим этилган вақтинчалик имтиёзларни қўллаш муддати 2022 йилнинг

1 январигача узайтирилмоқда. Қолаверса, электр двигателда ҳаракатланадиган автомобилотранспорт воситаларини (электромобиллар) сотиб олувчилар, олиб қирувчилар йўлдан тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, 2021 йил 1 июндан бошлаб ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилаётганлигини ҳам келтириш зарур. Яъни ишловчи фуқаро ишламайдиган турмуш ўртоғи келгусида пенсия олиши учун ўз даромадидан ихтиёрий равишда йилга камида 1 БҲМ миқдорида ижтимоий солиқ тўлаши мумкин бўлади.



Ушбу ҳужжатда яна қатор имтиёз ва қулайликлар назарда тутилганки, бу тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётган юртдошларимиз учун айна муддаодир. Шу сабабли ҳам сенаторлар қонунни маъқуллаб овоз беришди.

Оролбўйи минтақасини ривожлантиришга барча масъул

Борий АЛИХОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси:



— Ялпи мажлисда БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясини амалга ошириш чора-тадбирлари ижроси устидан парламент назоратини олиб бориш ҳақидаги масала қизгин муҳокама қилинди.

Утган даврда бу йўналишда улкан ишлар бажарилди. Хусусан, резолюциядаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 29 июлда Президентининг

қарори билан Оролбўйи минтақасига иқтисодиёт тармоқларида ресурс тежовчи ва юқори самарага эга замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш, экологик барқарорлиқни таъминлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва илмий-инновацион ишланмаларни ама-

лиёғатга жорий этиш ҳамда халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш билан боғлиқ 7 та йўналишдаги 2021 — 2024 йилларда бажарилиши белгиланган

“Йўл харитаси” билан 71 тадбирни амалга ошириш тасдиқланган. Шунингдек, резолюцияда кўзда тутилган вазифалар ижроси учун 2021 — 2024 йилларда бажарилиши режалаштирилган 65 та устувор инновацион лойиҳа белгилаб берилган.

Ушбу вазифалар ижроси парламент вакиллари, жумладан, сенаторларга ҳам катта масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, мажлисда масъуллар билан ҳамкорлик қилиш ва фаолият юзасида тизимли парламент назоратини амалга ошириш белгилаб олинди. Зеро, биз, сенаторлар ҳам Оролбўйини ривожлантиришга масъулмиз.

Ер — умуммиллий бойлигимиз

ни электрон тарзда, яъни инсон омилисиз амалга оширмоқда. Бу яхши, албатта. Бироқ соҳада деярли ҳар кун ер билан боғлиқ коррупцион ҳолатлар содир бўлмоқда, бу ҳолат ҳар биримизни ташвишлантириши турган гап.

Хусусан, 2020 йилда агентликнинг 67 нафар ва 2021 йилнинг олти ойида 48 нафар мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан 70 та

жиноят содир этилган. Натижада давлат ва жамиятга 1,8 млрд. сўм миқдоридаги моддий зарар етказилган.

Ялпи мажлисда муҳокама қилинган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотида ана шу жиҳатлар қамраб олинган бўлиб, бу бугунги кунда



ниҳоятда долзарб ҳисобланади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(“Халқ сўзи”) ёзиб олди.

ҲАМКОРЛИККА АСОСЛАНГАН ИЗЧИЛ ФАОЛИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда “Халқ сўзи” — “Народное слово”, “Янги Ўзбекистон” — “Правда Востока”, “Хуррият” газеталари, “Human.uz”, “Qalampir.uz”, “Bugun.uz”, “Nova24.uz” интернет нашрлари, “Bright Uzbekistan” ахборот портали ўртасида икки томонлама меморандумлар имзоланди.



Таъкидланганидек, ушбу келишув жорий йил октябр ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча жараёни, шунингдек, тайёргарлик ишларининг боришини кенг, шаффоф ва тезкор ёритишда Марказий сайлов комиссияси ва оммавий ахборот воситалари, интернет нашрлари ўртасидаги ҳамкорлиқни янада кучайтиришга хизмат қилади.

— Марказий сайлов комиссияси томонидан шу йил 14 апрель кунин қабул қилинган ва ижроси изчиллик билан таъминланаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастурида сайлов жараёнларининг барча босқичини оммавий ахборот воситаларида тизимли ёритиб боришга доир муҳим вазифалар белгиланган, — дейди Марказий сайлов комиссияси Раиси З. Низомхўжаев. — Шундан келиб чиқиб, меморандумларда Сайлов кодекси ва сайлов жараёнини тартибга соладиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини сайловчилар ўртасида кенг тушунтириш бўйича ишларни самарали ташкил қилиш, шунингдек, сайлов жараёнининг очиқлиги, ошқоралиги ва транспарентлигини таъминлаш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сиёсий партиялар ва номзодларнинг сайловолди дастурлари билан жамоатчиликни тезкор хабардор қилишда ўзаро ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш назарда тутилган.

Имзоланган меморандумларни амалга ошириш доирасида барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолиятини изчил ёри-

тиб бориш, сиёсий партиялар ва номзодлар учун уларнинг сайловолди дастурлари қоидалари, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожланишининг муҳим масалаларига оид мустақил нукта назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситаларида тенг ҳажмда эфир вақти ҳамда нашр майдонини ажратиш йўли билан кенг ва тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур ҳужжатлар сайловчилар ва сайлов ташкилотчиларининг миллий сайлов институтларига ишончини мустаҳкамлаш ҳамда уларда Ватан ҳамда халқ тақдирига дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашга қаратилган қўлмалли ишларни қамраб олгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Эслатиб ўтамиз, жорий йил 14 июль кунин Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, “Zo‘rtv” телерадиокомпанияси, “Uzreport” ҳамда “Дунё” ахборот агентликлари ўртасида Президент сайловини ёритиш бўйича икки томонлама меморандумлар имзоланган эди.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ, оммавий ахборот воситаларининг 814 нафар вакили аккредитациядан ўтказилган бўлиб, уларнинг 766 нафари маҳаллий ва 48 нафари хорижий журналистлар ҳисобланади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(“Халқ сўзи”).

ҲАМЮРТИМИЗ ПАРАЛИМППИЯ ЎЙИНЛАРИНИНГ ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Токио Паралимпия ўйинларида пара-дзюдочимиз олтин медални қўлга киритди.



-66 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан Учқун Қуронбоев финал баҳсида испаниялик Серхио Ибанесни мағлубиятга уратди. Шу тариқа у ўзбекистонлик спортчилар орасида мазкур мусобақада дастлабки олтин медалга сазовор бўлди.

Бунгача вакилларимиздан Асила Мирзаёрова пара-енгил атлетика дастурининг Т11 классида аёллар ўртасида узунликка сакраш баҳсларида қумуш медал, Ислам Асланов эса парасузиш беллашувларида бронза медални қўлга киритган эди.

Айни пайтда Ўзбекистон делегацияси биттадан олтин, қумуш ва бронза медаллари билан умумжамоа ҳисобида жаҳоннинг 162 мамлакатини ичида 18-погонани эгаллаб турибди.

“Халқ сўзи”.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШДАГИ ИШТИРОКИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган “Мустақиллик йилларида миллий парламентимизнинг шаклланиши ва ривожланиши” мавзусида конференция ўтказилди.

Конференцияни Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов кириш сўзи билан очар экан, йиғилганларни энг улуғ, энг азиз айём — мустақиллигимизнинг ўттиз йиллик байрами билан қутлаб, истиқлол йилларида парламентаризм ривож қилинганлигини таъкидлади.

Мустақиллик мамлакатимизда ҳақиқий демократик парламентнинг шаклланишига сиёсий-ҳуқуқий замин яратди. Истиклолнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган, ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўли белгилаб олинди. Инсон манфаатлари устуворлиги йўлида қонун ижодкорлиги билан шуғулланадиган демократик миллий парламент шаклланди, давлат ҳокимияти органлари тизими унинг роли ва таъсири кучайтирилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, Конституциямизга киритилган тузатишлар Олий

Мажлис, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари ваколатларини янада кенгайтирди.

Хусусан, Олий Мажлис ваколатларига Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан ҳисobotини айтишга ва муҳокама қилиш, парламент назоратини амалга ошириш киритилди. Муҳокама этилаётган ҳар бир қонун лойиҳаси ёки Қонунчилик палатаси қарори лойиҳаси сиёсий партия фракцияларининг йиғилишларида дастлабки тарзда қўриб чиқилмоқда.

Шунингдек, миллий парламент ривожланиши, қўлпартиявийлик тизимининг самарали фаолияти мамлакатимизда фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштирокини жонлантириш, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муҳим саналган масалаларни ҳал қилишда қонун устуворлиги таъминлигининг сўзсиз асоси ошрилишини таъминлашда янги имкониятлар очиши қайд этилди.

ЎРГАНИШ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилишида депутатлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Профессионал таълим муассасаларида меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш ҳолати, уларнинг моддий-техника база билан таъминланганлиги даражасини Самарқанд ва Жиззах вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибиде ўрганиш якунлари тўғрисида”ги ахборотини эшитди.

Қўмита аъзолари томонидан Ўргут, Жомбой, Булунгур туманларидаги касб-хўнар мактаблари ўрганилганда, умуман, бу масканларда 9-синф ўқувчиларини қамраб олиш яхши йўлга қўйилган бўлса-да, Жомбой туманидаги 1-сон касб-хўнар мактабиде 78,9 фоиз ўқувчилар қамрови амалга оширилгани аниқланди. Касб-хўнар мактаблари янги ўқув йилига тайёрлаш, реконструкция қилиш ҳамда мукамал таъмирлаш бўйича давлат дастурига киритилмаган ва маблағ ажратилмаган.

Масалан, Булунгур туманидаги 2-сон касб-хўнар мактаби 2003 йилда хўнар техника билим юрти негизиде ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар реконструкция ёки мукамал таъмирлаш ишлари учун давлат дастури асосида маблағ ажратилмаган. Ваҳоланки, мазкур касб-хўнар мактаби ўқув

ва устакхона биносининг эскирган дераза ва эшик-ромларини, ностандарт қўлбола ва кўп энергия сарфланадиган қозонларни замонавий тежамкор қозонларга алмаштириш лозим. Қолаверса, ушбу муассасада ўқув амалиётларини ўтказиш учун устакхона ва ошхона ҳам мавжуд эмас.

Шунингдек, Ўргут туманидаги 4-сон касб-хўнар мактабиде ўтган йили маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ўқув биносининг фасад қисми ва иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилган бўлса-да, ажратилган маблағ камлиги боис муассаса ўқув ва устакхона биносининг ички қисмлари таъмирланмаган.

Яқунда халқ вакиллари саволларига мутасаддилардан атофлича жавоблар олинди, билдирилган тақлифлар асосида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ЯНГИ ИНСТИТУТ БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Парламент комиссияси томонидан икки-та масала кўриб чиқилди. Йиғилишда Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) Алия Юнусованинг Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш тизимини янада тақомиллаштириш, шунингдек, Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) институти ташкил этилишидан қўлланган асосий мақсад ва вазифалар ҳақида ахбороти эшитилди.

Хусусан, болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончи ҳимоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш, болалар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг барвақт олдини олиш, ногиронлиги бўлган болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар-

ни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида шу йил 9 августда “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони билан Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили институти тасвис этилди.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясининг Буюк Британиянинг Глобал ҳамкорлик бошқарув жамғармаси “Global Partners Governance Foundation” (GPGF) нодавлат ташкилоти билан ҳамкорлиқни давом эттириш масаласи ҳам муҳокама марказида бўлди.

Йиғилиш якунида қонун тартибидеги масалалар юзасидан Парламент комиссиясининг тегишли баённомаси тузилди.

Мунисхон КАРИМОВА
(“Халқ сўзи”).

Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

Одатда биз аёлни авваламбор она, оила қўргонининг қўриқчиси сифатида ҳурмат қиламиз. Бу, шубҳасиз, тўғри. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак!

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛОТИ ҲАҚИДА ҚАЙҒУРИШ АЁЛЛАР ТАЪЛИМИГА ЭЪТИБОРДАН БОШЛАНАДИ

“Аёлнинг жони қирқта”, деган нақл бор халқ орасида. Бу кўҳна ҳикмат нозик ҳилқат вакилларининг сабру қаноати, бардошу иродасига берилган тавсиф аслида. Аммо қирқ жон эгаси бўлган опа-сингилларимизнинг қисмати битта. Демак, улар ҳаёт аталмиш неъматдан завқ олиб яшашга, бахтли-саодатли умр кечирishiга тўла-тўқис ҳақли!

Шу боис Президентимиз саъй-ҳаракати билан хотин-қизлар масаласи қисқа муддатда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аёлларга эъзозу эҳтиром кўрсатишдек шарқона қадриятларимиз қайта қадр топди. Опа-сингилларимизнинг оиладаги, жамиятдаги ўрни мустаҳкамланди. Мўътабар она зотининг мартабаси янада юксалди.

Муҳими, катта минбарлардан туриб айтилаётган гаплар, ҳаётбахш ислохотлар шунчаки қоғозларда қолиб кетаётгани йўқ. Аҳолиимизнинг қарийб ярми — 17 миллион хотин-қизнинг, керак бўлса, ҳар бирига босқинча-босқин эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишмоқда.

Қисқача айтганда, давлатимиз бугун аёлларга чинакам суянчиқ ва дастак.

Ҳар жабҳада ўрнингиз бўлак

Эркин ва шаффоф жамият барпо этишнинг энг муҳим шарти нима? Албатта, қонун устуворлиги! Бусиз адолат ўрнатиш, фаровон ҳаёт қуриш имконсиз.

Айни сабабдан давлатимиз раҳбари хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир тарихий ислохотларга қўл урар экан, ишни, аввало, қонуний асосларни мустаҳкамлашдан бошлади. Шу тарика кейинги тўрт йилдан зиёд вақт мобайнида бу соҳага доир 2 та қонун, Президентнинг 7 та Фармони ва қарори қабул қилинди. Сенатда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси ташкил этилди.

Қаранг, ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ҳамда хизматчиларнинг 45 фоизи хотин-қизлардан иборат.

Ушлаб опа-сингилларимиз “Ўзбекистон Қўрамонни”, “Ўзбекистон фар арбоби”, “Ўзбекистон халқ ўқувчиси”, “Ўзбекистон халқ шоири”, “Ўзбекистон халқ артисти” сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлган. Улар орасида 500 нафардан зиёд фан докторлари ва академиклар, минглаб фан номзодлари ўз билими ва истеъдоди билан Ватанимиз раванқига астойдил хизмат қилиб келмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимизда аёллар тадбиркорлиги, уларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланяпти. Утган йили 585 мингга яқин хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган, 36 мингдан зиёд опа-сингилларимиз касб-ҳунарга ўқитилгани шундан далолат.

Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва манзилли ҳал қилиш мақсадида “аёллар дафтари” жорий этилди. Ушбу дафтарга 9 та мезон асосида 433 минг нафар хотин-қиз кириштирилиб, электрон база

шакллантирилди. Бугунги кунгача улардан 80 мингнинг муаммоларига ечим топилган.

Масалани тўғри талқин қилайлик

Демократиянинг моҳияти — тенглик! Асосий Қонунимизнинг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга...” деб белгиланган. Яъни улар жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. 46-моддасида эса “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар” дея белгиланган. Бу, аслида, юртимизда инсон манфаатлари олий қадрият эканлигининг қафолати. Бирок, афсуски, жамиятда узоқ йиллар давомида хотин-қизларга муносабат бобида қонунлар ижроси таъминланмади.

Айниқса, айрим оилаларда, меҳнат жамоаларида опа-сингилларимизга фақат “оиланинг хизматчиси” сифатида қараш, уларнинг орзу-хаваслари билан ҳисоблашмоқчи ҳолатлари давом этиб келди. Базми ҳолларда эса таҳқирлар, таҳдиду зўравонлиқлар ҳам кузатилди. Ана шундай нохуш ҳолатлар, оғрикли муаммоларга барҳам бериш учун Ўзбекистон демократик давлатлар йўлини танлади. Гендер тенглик масаласини кун тартибига олиб чиқди.

Бундан икки йил аввал Президентимизнинг Олий Мажлис Сенатидagi чиқишини эсланг. “Мени кишиларимизнинг онгида пайдо бўлган стереотип кўп ўйлантиради, — деганди ўшанда давлатимиз раҳбари. — Одатда биз аёлни авваламбор она, оила қўргонининг қўриқчиси сифатида ҳурмат қиламиз. Бу, шубҳасиз, тўғри. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам

бўлиши керак!” Ана шу гаплар гендер тенгликни таъминлаш йўлидаги ҳаётбахш ислохотлар мазмун-моҳиятини тўлақонли экс актиради.

Мана, ўтган қисқа давр ичида бу йўналишда ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди. Президентимизнинг 2019 йил 7 мартда “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори имзоланди. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Мамлакатимизда қонун ва ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида янги йўналиш — гендер-ҳуқуқий экспертизаси жорий этилди. Шунингдек, жойларда опа-сингилларимизнинг камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил қилинди.

Энди ҳамма гап бошланган ислохотлар пировард мақсадини тўғри англаб, оқилона талқин қилиб, янгиланишларга камарбаста бўлишда. Зеро, гендер тенглик хотин-қизларга устуллик бериш эмас, балки жамиятда аёл ва эркакларнинг ўз ўрнини топиши учун давлат уларга бир хил шароит ва имконият яратишини ифода этади.

Хоҳиш бор-у, имконингиз йўқ бўлса...

Келажакка тикилган сармоя — энг даромадли капитал. Жумладан, олий таълим олиш учун маълум маблағга эҳтиёж бор. Аммо ўғил-қизларини нуфузли олий ўқув юртиларида ўқитишга ҳар бир отанинг ҳам қурби етавермайдди. Айниқса, қизлар масаласида, афсуски, эски стереотипларга бутунай барҳам



берилмаган. Буларнинг оқибатида бир гуруҳ иқтидорли ва салоҳиятли қизларимиз мактабни битириб, таълим олиш имкониятидан бебаҳра қолишмоқда.

Давлатимиз ана шу ҳолатларни инобатга олиб қизларнинг сифатли таълим олиши, касб-корли бўлиши учун зарур чораларни кўраётир. Чунончи, ҳозирги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юртилари талабаларининг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Ўтган йили йўлга қўйилган тизимга мувофиқ, 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож қиз олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

Шу ўринда таълим йўналишида хотин-қизларимизга ажратилган квоталар борасида тўхталиб ўтсак. Президент қарорига мувофиқ, 2020/2021 ўқув йили қабулидан бошлаб Махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан бериладиган тавсияномага эга бўлган опа-сингилларимиз учун бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари ажратилди. Бу эса ўқишга хоҳиши бор-у, имконияти йўқ қанчадан-қанча хотин-қизларнинг орсунини рўёбга чиқарди.

Сўзимни ўзим фаолият юритадиган Тошкент давлат иқтисодиёт университетини мисолида давом эттирсам. Бизда 4 фоизли грант асосида (имтиёз билан) ўқишга қабул қилинган талаба-қизларимиз 11 нафарни ташкил этади. Улар яратилган имкониятлардан мамнун. Буни ана шу қизларимизнинг юз-қўзлар, азму шижоати, эртанги кунга бўлган ишончидан яққол кўриш мумкин.

Қувонарлиси, ҳаётдан миннатдор, келажақда олдига катта мақсадлар қўйган бундай хотин-қизлар салмоғи бу йил икки баробарга ошди: 2021/2022 ўқув йилига эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар учун олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони икки минг-

та этиб белгиланди. Эндиликда тавсиянома олиш учун талабгор доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига ўзи бориб юрмасдан, электрон шаклда муурожаат қилиш имконияти яратилди. Тавсиянома белгиланган мезонларга мос келган эҳтиёжманд оилалардаги барча талабгор хотин-қизларга бир йил муддатга берилиши белгиланди. Шунингдек, оиланинг эҳтиёжмандлик даражасини “темир дафтар” ва “аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг қиз фарзандлари ҳамда “ёшлар дафтари”га киритилган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар орқали аниқлаш тартиби жорий этилди. Бу эса квота олишда енгиллик бўлса, таълим олишга янада иштиёқни оширади.

Хотин-қизларнинг илм олишига бўлган эътибор натижасида бугун қизларимиз ҳар жабҳада фаол. Айниқса, ҳозир бутун дунёда талаб юқори бўлган АКТ соҳасини пухта ўзлаштирмоқда. Бу борада университетимиз қизларига ҳавас қилса арзийди. Улар АКТ йўналишидаги турли кўрик-танловларда фахрли ўринларни қўлга киритмоқда. Келгусида ана шу қадрлар ўз соҳасини пухта ўзлаштириб, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ривожига муносиб ҳисса қўшишлари, шубҳасиз.

Жамиятда жоҳилликка жой қолмасин

Доноларнинг бир гапи бор: “Жамиятнинг тарбияламоқчи бўлсанг, аёлни тарбияла!” Зеро, фарзандлар камолоти ҳақда қайғуриш аёллар таълимига эътибордан бошланади.

Кўҳна Санскрит мақолида эса шундай дейилди: “Аёл бу — оила, оила эса жамиятнинг асосидир”.

Шундай экан, жамиятнинг асоси бўлган ҳар бир оила обод бўлсагина, ҳаётимиз обод бўлади.

Демак, аёлга берилган билим биргина шахсга эмас, бутун жамиятга улаштилган маърифат бўлади. Фозил инсонларни эса фозила оналар тарбиялайди. Жамиятда жоҳилликнинг камайиши, ривожланишига тўсик бўлаётган иллатларга барҳам берилиши айни шу омил билан чамбарчас боғлиқ.

Дилобар РЎЗИЕВА, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Хотин-қизлар масалалари бўйича кенгаши раиси, Тармоқ иқтисодиёти кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди.

Акс садо

Халқаро қўлолчилик форуми ҳунармандлар байрамига айланади

Устахонамизга хорижий сайёҳлар тез-тез келиб туради. Бу ерда юртимизнинг турли қўшалари қўлолчилик мактаби маҳсулотлари, қаштачилик буюмлари жамланган. Эсимда, сайёҳлардан бири мўъжаз музейимизни томоша қила туриб, “Ўзбекистон халқ амалий санъатида ёрқин ва тиниқ ранглар кўп ишлатилар экан”, деб қолди. “Тўғри пайкабсиз, — дея жавоб бергандим ўшанда. — Чунки тинчликсевар, инсонпарвар халқмиз. Осмонимиз ҳаммаша мусаффо, тинч бўлишини истаймиз. Бу асарларимизда ҳам ўз аксини топган”.

Мустақиллигимизнинг қўтлуг 30 йиллиги шодиёнаси кўнларида беихтиёр ўша сайёҳнинг сўзлари ёдимга тушди. Тинчлик, осойишталик бебаҳо неъмат эканини, мустақилликнинг қадр-қиммати янада тeран аналгандек бўлди.

Мустабид тузум даврида ҳунарманднинг эмин-эркин ишлашига имкон йўқ эди. Шўнга қарамай, ота-боболаримиз, таъбир жоиз бўлса, қўлолчиликни “тишларининг ковағи”да асраб бизга етказишди.

Шўкрки, истиклол йилларида дунё кезиб, халқаро кўргазмаларда миллий ҳунармандчилигимизни кўз-кўз этмоқ бахти насиб қилди. Асарларимиз жаҳоннинг турли нуфузли музейлари ва шахсий коллекцияларидан ўрин олган. Ёғждувон қўлолчилик мактабининг энг яхши аъёналарини давом эттирган ҳолда, уни янада бeтишти устида ишлаяпмиз. Дейлик, сопол буюмлар сиртига ишлов берилган қадимий усулни қайта тикладик. Ўшлаб шоғирлар тайёрлаганимиздан, улар орасида ҳатто хорижий давлат фуқаролари борлигидан бахтиёримиз.

Мустақиллигимизнинг қўтлуг 30 йиллиги биз, ҳунармандлар учун қўшалоқ байрамга айланди. Давлатимиз раҳбарининг яқинда “Халқаро қўлолчилик форуми ва қўлолчилик маҳсулотлари кўргазма-савдосини ўтказиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Унга мувофиқ, 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта сентябрь ойида Халқаро қўлолчилик форуми ва қўлолчилик маҳсулотлари кўргазма-савдоси ҳамда унинг доирасида илмий-амалий конференция, кўрик-танлов, тақдирот ва намоишлар, кўргазма-савдолар, театрлашган концерт-томоша дастурлари, маданий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиб бeрилади. Ушбу тадбирлар юртимизда ҳунармандлар байрами ҳамда халқимизнинг аъёна ва қадриятлари тарғиботида ўзига хос йўналишга айланади. Тинчликпарвар юртимизга эса шундай анжуманлар ярашади.

Халқимиз бу фаровон кўнларга осонликча эришган эмас. Шўни чуқур ҳис этган ҳолда ўз меҳнатини, жамоат ишларидаги фаоллигини билан эл-юрт ишончини оқлаш ниятидамиз. Токи, Ватан раванқи йўлидаги хайрли ишлар ёшларимиз учун ибрат мактаби вазифасини ўтасин.

Абдулла НАРЗУЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси халқ устаси. Ёғждувон тумани



ЭЪЛОН

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорлари диққатига!

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2021 йил 21 сентябрь куни, соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уйда жойлашган «Микрокредитбанк» АТБ мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки уставига ўзгаришлар киритиш.

«Микрокредитбанк» АТБ Кузатув кенгашининг 2021 йил 27 августдаги мажлиси қарорига асосан, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2021 йил 15 сентябрь ҳолатига ҳамда умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун акциядорлар реестри 2021 йил 27 август ҳолатига тузилди.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2021 йил 21 сентябрь куни соат 10.00 дан 10.50 гача давом этади.

Акциядорлар умумий йиғилишда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашади, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши видеоконференцалоқа тарзида ўтказилса, бу ҳақда қўшимча маълумот бeрилади.

Йиғилиш ўтказиш бўйича қўшимча ахборот, унда кўриладиган масалаларнинг ҳужжатлари билан юқоридаги манзилга ва қуйидаги телефон рақамларига муурожаат қилиш ҳамда банкнинг корпоратив веб-сайти (www.mikrokreditbank.uz) орқали танишиш мумкин.

Телефонлар: 71-202-99-99 (1316, 1317).

Банк кузатув кенгаши.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ – ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ



«Ўсиш нуқталари»

2020 йилнинг олти ойида мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ҳажми 100 триллион сўмдан ошмаган эди, бироқ бу кўрсаткич 2021 йилнинг биринчи ярмида анча ўсди ва 127,6 триллион сўмга етди (18,3 фоизга ўсган). Хусусан, жорий йилнинг шу даврида Бухоро вилоятида аҳолига 5,7 триллион сўмлик хизмат кўрсатилган (2020 йилда бу кўрсаткич 4,3 трлн. сўм бўлган). Ўсиш суръати 21,1 фоизни ташкил этган.

Бугунги кунда Бухоро вилоятида 18 мингдан зиёд корхоналар хизмат кўрсатиш бўйича фаолият юритади. Ўтказилган таҳлиллар вилоятда 1 400 та шундай шохобчага талаб борлигини кўрсатди. Шу боис “Ўзмиллийбанк” АЖ мутахассислари бу соҳани ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқди.

— 2021–2022 йилларда Бухоро вилоятида “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан мазкур йўналишнинг раванқ топтиришга оид 201 та лойиҳа тузилди, бунинг самарасида хизматлар ҳажми 170 миллиард сўмга ошди, — дейди “Ўзмиллийбанк” АЖ Бухоро вилояти филиалининг катта менежери Обид Шодиев. — Пировардида бюджет даромадлари 7 миллиард сўмга ошиши кўтилмоқда. Биз бу натижалар билан тўхтаб қолмоқчи эмасмиз. Тадбиркорларнинг иштиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга ҳаммаша тайёримиз.

Бухорода “Ўзмиллийбанк” АЖ кўмағи билан ташкил этилган “City sport” замонавий спорт-соғломлаштириш мажмуаси аҳолининг спортга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилади. Лойиҳа қиймати 16,9 миллиард сўм, шундан 10 миллиард сўмлик маблағ банк кредитларидир. Бунинг самарасида 35 та иш ўрни яратилди.

— Илгари бу ерда капитал таъмирга муҳтож бўлган эски бино бор эди. Таъмирлаш ишлари ва барча зарур ускуналар билан жиҳозланган-

Замонавий жамиятда хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим ўрин тутади. Чунки бугунги кунда у ёки бу йўналишда хизмат кўрсатмайдиган корхона ва ташкилот деярли қолмади. Ҳар куни ҳаммамиз бу соҳага дуч келамиз: мобиль алоқа телефонлари, интернет, савдо-кўнгилочар марказлари хизматлари, умумий овқатланиш шохобчалари, гўзаллик саломи, маслаҳат марказлари, тиббий ва ўқув муассасалар кўрсатаётган хизматлар, турли транспорт турларида саёҳат қилиш ва юк ташиш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон иқтисодиётида хизмат кўрсатиш тармоғининг улуғшини ошириш, жойларда бу борадаги мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш, маҳсулот турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал қилишда Президентимизнинг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

нидан сўнг у замонавий қиёфа касб этди. Бу ерга таширф буюраётганлар сонига қараб ҳам аҳолининг спортга бўлган юксак қизиқишини кўриш мумкин. Келажақдаги режаларга келадиган бўлсак, янги лойиҳаларимизни “Ўзмиллийбанк” АЖга тақдим этдик. Мақса-



димиз — хизматлар соҳасидаги фаолиятни янада кенгайтириш, — дейди лойиҳа менежери Азизбек Қораев.

“Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан молиялаштирилган яна бир объект — Бухоро вилоятининг Ёғждувон туманидаги меҳмонхона. Лойиҳа қиймати 5 миллиард сўм, унинг ярми “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан тақдим этиладиган кредит маблағларидир.

Лойиҳа муаллифи Ғанишер Қурбоновнинг сўзларига қара, бунинг натижасида 35 киши иш билан таъминланади.

Сўнги йилларда хусусий тиббий муассасалар сони тобора кўпаймоқда. Ма-

алан, 2020 йилнинг дастлабки олти ойида буюроликларга 67,7 миллиард сўмлик тиббий хизмат кўрсатилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 100 миллиард сўмдан ошди. Ёғждувон туманида барпо этилган “Kavsar Med Center” замонавий клиникаси ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади. Ушбу мажмуанинг лойиҳа қиймати 12,5 миллиард сўм, шундан 4,5 миллиард сўми “Ўзмиллийбанк” АЖ кредитидир. Лойиҳа амалга оширилганидан сўнг 25 та иш ўрни яратилди. Тиббий мажмуа туман клиникаларида ҳали мавжуд бўлмаган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланади.

— 27 ўринли шифохонада неврология, кардиология, те-рапия, эндокринология сингари саккиз йўналишда хизмат кўрсатилади. Ҳинди-стон, Хитой, Германиядан келтирилган 30 яқин замонавий техника халқимиз саломатлигини яхшилашга хизмат қилади, — дейди лойиҳа муаллифи Нутфулло Жўраев.

Қайд этиш жоизки, маиший хизмат кўрсатиш комплекслари нафақат вилоят марказлари ёки йирик шаҳарларда, балки чекка туманларда ҳам бунёд этилмоқда. Масалан, “Vigor” маиший хизмат кўрсатиш комплекси ана шундай лойиҳалардан биридир. Лойиҳа қиймати 7,2 миллиард сўм, шундан 700 миллион сўм маблағ “Ўзмиллий-



банк” АЖ томонидан тақдим этилади. Бунинг самарасида 40 киши иш билан таъминланади.

Аҳолининг хизматлари билан қамраб олишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш ҳам “Ўзмиллийбанк” АЖнинг доимий эътиборида. Аниқ фанларни ўқитишга ихтисослаштирилган замонавий ўқув маркази бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа қиймати 3,5 миллиард сўмни ташкил этади, шундан 1,5 миллиард сўмлик маблағ банк кредити. Иш ўринлари сони 10 та бўлади.

Бундан ташқари, “Ўзмиллийбанк” АЖ умумий қиймати 4,7 миллиард сўм бўлган “Diyog Cineplex” замонавий кинотеатрини қуриш лойиҳаси учун 3,5 миллиард сўм кредит ажратди. Кинотеатр бир йўлга юз нафар томошабинга хизмат кўрсатади.

Умуман, яқин икки йилда Бухоро вилоятида хизматлар соҳасини ривожлантириш мақсадида 3,5 триллион сўмлик 1 370 та қувват ишга туширилади. Шу тарика 2023 йилда хизматлар бозори ҳажми икки баробар кўпайиши кўтилмоқда. Айни вақтда тақдим этилаётган хизмат турлари сифати ҳам ошиб бормоқда. Бу масалалда “Ўзмиллийбанк” АЖ ёрдам бeради.

«Ўзмиллийбанк» АЖ матбуот хизмати кўмағида тайёрланди.

Хизматлар лицензияланган.

«НАМКОРБАНК» — МИЖОЗЛАР УЧУН ЭНГ ЯХШИ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР



Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий матбуот марказида чет эл капитали иштирокидаги "Hamkorbank" акциядорлик тижорат банки ташкил этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан матбуот анжумани уюштирилди.

Унда "Hamkorbank" акциядорлик тижорат банки бошқаруви аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Молия муассасаларида

Таъкидланганидек, у айнан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинган кун — 1991 йилнинг 31 августида Андижон шаҳрида нодавлат акциядорлик тижорат банки сифатида иш бошлаган.

Бугунги кунга келиб, банк республикамизнинг барча ҳудудида фаолият юритаётган 46 та филиалига, шунингдек, мижозларга янада яқинроқ бўлиш мақсадида мамлакатимизнинг чекка шаҳар ҳамда туманларида ҳам 100 дан ортқ "Банк хизматлари офислари"га эга.

Шунингдек, банк бўлиналарида ҳамда республика шаҳар марказларининг аҳоли гавжум жойларида 130 дан ортқ "24/7" ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохбчалари фаолият юритмоқда.

Эътиборлиси, ушбу молия муассасасининг 30 йиллиги арафасида, яъни шу

йилнинг сентябрь ойида 47-филиал — банкнинг Миробод филиали ўз фаолиятини бошлади.

Матбуот анжумани давомида "Hamkorbank" АТБ бошқаруви раиси ўринбосари Жасурбек Ҳасанов банкнинг халқаро молия бозоридан тан олиниши муҳим аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидлади.

— 2000 йилда банк республикада биринчилардан бўлиб халқаро стандартлар асосида аудит ўтказган, — дейди Жасурбек Ҳасанов. — Асосий мақсад халқаро миқёсда фаолият олиб боровчи нуфузли молия институтларига банк очкилигини намойён этиш, уларни жалб қилишдан иборатдир. Натижада 2001 йили Халқаро молия корпорацияси (IFC) "Hamkorbank"ка давлат кафолатисиз кредит линиясини тақдим этди. Ушбу кредит линия маблағлари хусусий секторни ривожлантириш ва кичик

бизнесни қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. IFC билан намунали ҳамкорлик қўллаб-қўллаб нуфузли халқаро молия институтларининг банкка бўлган ишончини мустаҳкамлади. Шу тўғрисида ўша йилнинг ўзида Жаҳон банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Бугунги кунга келиб, банк 20 га яқин халқаро молия институтлари ва тўлов тизимлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда.

"Hamkorbank" йиллар давомида чет эл капитали иштирокидаги банк сифатида эътибор қозонди. Ушбу жараён 2010 йилда бошланган — Халқаро молия корпорацияси "Hamkorbank"нинг акциядори бўлди.

2014 йилда Нидерландия тараққиёт банки (FMO) банкнинг иккинчи хорижий акциядори айланди ва "Hamkorbank" чет эл капитали иштирокидаги банк мақомига эга бўлди.

Айнан шу йилдан Осиё тараққиёт бан-



ки, Германия тараққиёт банки, Жаҳон банки таркибига кирувчи Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Ислам хусусий секторни ривожлантириш корпорацияси каби халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

2018 йилда эса "ResponsAbility Investments" халқаро инвестиция компанияси ҳам банкнинг акциядорлари қаторига қўшилди.

"Hamkorbank" ўтган 30 йил давомида барча кўрсаткич бўйича тезкор суъратлар билан ўсиш ҳисобига банк тизимидаги ўз ўрнини доимий мустаҳкамлашга эришди. Барча кўрсаткич бўйича "Hamkorbank" мамлакатимизнинг "ТОП-10" талик банклар қаторига кирувчи давлат улуши бўлмаган банкдир. Банк активлари охириги беш йилда 2,8 баробар, кредит портфелининг салмоғи 3,4 баробар, депозит портфелининг салмоғи 1,4 баробар, банк капиталнинг салмоғи эса 3,8 баробар ўсishiга эришилди.

Банк ҳар бир мижозга индивидуал ёндашиб, уларга хизмат кўрсатишда узок муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асосланиб ҳамда "Биргаликда юксалиш сари" шiori остида фаолият олиб



бормоқда. Молия муассасаси бугунги кунда 1 миллион 600 мингдан зиёд жисмоний шахсларга ҳамда 40 мингга яқин юридик мижозларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

"Hamkorbank" 30 йил давомида ўз тармоқларини республика ҳудудлари бўйича кенгайтириш билан бирга ўз жамоасини ҳам кенгайтирди.

Фаолиятини 15 киши билан бошлаган молия муассасасининг бугунга келиб мамлакат бўйлаб банк офисларида 3 минг 350 нафар ходим самарали меҳнат қилмоқда.

Молия муассасаси кейинги йиллар давомида ҳам кўллаб ютуқларга эришди, шунингдек, бир қатор соҳаларда етакчи банк, деб тан олинди.

Жумладан:

- 2018 йил июнь ойида "Hamkorbank" ва Халқаро молия корпорацияси биргаликда Ўзбекистон тарихида биринчи марта Лондон фонд биржасида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги "Самарқанд" деб номланган облигацияни жойлаштирди. Ушбу облигациялар реализациясидан тушган маблағлар кичик ва ўрта бизнесни кредитлашни ривожлантиришга йўналтирилди;
- Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказининг 2020 йил давомида молиявий хизматлар тақлиф этиш кўрсаткичи бўйича рейтингда "Hamkorbank" 1-ўринга сазовор бўлди;
- Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва

Миллий маркетинг маркази томонидан ташкил этилган "Йил бренди — 2020" танловида "Hamkorbank" мамлакат банклари ичида 1-ўринни эгаллади. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу эътироф бутун Ўзбекистон бўйича банк хизмати истеъмолчилари томонидан онлайн овоз бериш йўли билан аниқланди.

Банк бошқаруви раиси ўринбосари Ж. Ҳасанов банкнинг истиқболдаги режалари ҳақида сўз юритар экан, "Hamkorbank" келгуси 5 йилликда рақамли банк хизматларини жорий қилиш билан республика чакана банк хизматлари бозорини ривожлантириш, банк офислари тармоқлари ва бизнес жараёнларини оптимallasштириш орқали банк фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янги bosқинга олиб чиқиш бўйича ишлар янада такомилallasштирилишига алоҳида урғу берди.

"Hamkorbank"нинг асосий миссияси — ишончли ҳамкор сифатида юқори сифатли ва технологик банк маҳсулотлари ҳамда хизматларини кўрсатиш орқали мижозларнинг талабларини максимал қондиришдир.

Асосийси, "Hamkorbank" мижозлари учун энг яхши ҳамкор, ходимлари учун энг яхши иш берувчи ташкилот ҳамда акциядорлар учун энг яхши сармоя манбаи бўлишга интилади.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.



Азиз ватандошлар!

«Олмалик КМК» АЖ жамоаси

Сизларни ва яқинларингизни энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги айёми билан самимий муборакбод этади!



Мустақил Ватанимизнинг тинчлиги, гуллаб-яшнаши ва равнақи йўлида олиб бораётган ишларингизда зафарлар ёр бўлсин. Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака ва фаровонлик тилаймиз!

ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО, ИСТИҚЛОЛИМИЗ АБАДИЙ, ХАЛҚИМИЗ ОМОН БЎЛСИН!



QISHLOQ QURILISH BANK



“Қишлоқ қурилиш банк” АТБ жамоаси юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги билан самимий табриклайди!

Байрам муносабати билан

“ЖОЗИБА”

жамғармали омонатини тақлиф этади.

Омонат муддати — 13 ой.

Йиллик фоиз ставкаси — 21%.

Омонат фоиз тўловлари — ҳар ойда.

www.qqb.uz

t.me/qqbank

78 150 00 55

1254

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 32 300 нусxada босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отказиб берилиши учун обунани расмийallasштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли chop этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.

Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 03.15 Тошпирилди — 04.20 1 2 3 4 5 6